Бутун дунё пролетарлари, бирлашинглиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● 26 апрель 1969 йил, шанба ● № 99 (14.262). ● Баҳоси 2 тийин.

ЎЗАРО ИҚТИСОДИЙ ЁРДАМ КЕНГАШИ СЕССИЯСИДА

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг Болгария Халқ Республикаси, Венгрия Халқ Республикаси, Германия Демократик Республикаси, Монголия Халқ Республикаси, Польша Халқ Республикаси, Руминия Социалистик Республикаси, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Чехословакия Социалистик Республикаси коммунистик ва ишчи партиялари раҳбарлари ҳамда ҳукуматлари бошлиқлари иштирокида бўлаётган сессияси 24 апрель куни Москвада ўз ишини давом эттирди. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар ҳамкорлигининг шакли ва методларини янада такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилиш давом эттирилди.

Мажлисда Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Я. Кадар раислик қилди.

Мажлисда Болгария Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Болгария Халқ Республикаси Министрлар Совети Раиси ўртоқ Т. Живков, Руминия Компартияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Руминия Социалистик Республикаси Давлат кенгашининг Раиси ўртоқ Н. Чаушеску, ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, ЧССР Федерал ҳукуматининг Раиси ўртоқ О. Черник ва Монголия Халқ революцион партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Монголия Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Ю. Цеденбал нутқ сўзладилар.

Фикрлашиб олиш ўртоқлик вазиятида ўтмоқда.

25 апрель куни сессия мажлиси давом эттирилди.

(ТАСС).

СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАНИ ҚИЗИТАЙЛИК!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Тошкент шаҳридаги Ленин районы ва Андижон областидаги Ленин районы меҳнаткашларининг В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига олган социалистик мажбуриятларини қараб чиқди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ана шу районлар меҳнаткашларининг беш йиллик планни муддатидан илгари бажариш юзасидан бошлаган ташаббусини маъқуллади.

Область, шаҳар ва район партия комитетларига, бошланғич партия ташкилотларига бу ташаббусни қўллаб-қувватлаш ва уни кенг ёйиш, саноат корхоналари, қурилишлар, колхоз ва совхозларнинг коллективларини 1969 йил планини муваффақиятли бажариш ҳамда беш йиллик план топшириқларини муддатидан илгари адо этиш учун курашга сафарбар этиш соҳасидаги ишларни кучайтириш, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ҳажмини кўпайтиришга, меҳнат ва материал ресурсларидан фойдаланишдан, янги техника ва илғор технологияни жорий этишдан кўриладиган самарани оширишга бутун чоралар билан эришиш топширилди.

Республика газеталарининг редакцияларига, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Радиоэшиттириш ва телевидение давлат комитетига Тошкент шаҳридаги Ленин районы ва Андижон областидаги Ленин районы меҳнаткашларининг ташаббусини актив пропаганда қилиш таклиф этилди.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

ИШЧИЛАР АРМУҒОНИ

Тошкент шаҳар Ленин район саноат, транспорт корхоналари ва қурилиш ташкилотлари коллективларининг В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш ва беш йиллик планни муддатидан илгари бажариш юзасидан олган

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Номи ва таълимоти йигирманчи асрдаги энг буюк революцион ўзгаришлар билан инсоният тарихидаги янги давр билан чамбарчас боғлиқ бўлган улуғ доҳийимиз В. И. Ленин туғилган кунинг 100 йиллигига тайёргарлик ишлари мамлакатимизда кенг қулоч ёймоқда. Улуғ Ленин номи билан аталган районимиз меҳнаткашлари бутун совет халқи сингари бу шонли санани меҳнатда янги муваффақиятлар билан нишонлаш учун интилмоқдалар. Районимиз меҳнаткашлари ўзларининг ҳамма режалари ва муваффақиятларини Ватанга, Ильич юбилейига бағишламоқдалар. Бу билан районимиз меҳнаткашлари Ленинга, коммунистик қурилишнинг ленинча бош йўлига бўлган чексиз меҳр-муҳаббат ва ҳурмат-эҳтиромларини изҳор қиладилар.

«Ленин номини дилга жо этиб яшаймиз, ишлаймиз ва ғалаба қиламиз!» — район корхоналари, қурилишлари ва ташкилотларидаги барча меҳнаткашлар қалбида бу шиор бугунги кунда алоҳида куч билан янграмоқда. Бу шиор кундалик ишларимизда рўёбга чиқмоқда.

Тошкент шаҳар Ленин районы меҳнаткашлари В. И. Ленин туғилган кунини муносиб нишонлаш учун ҳаракат қилиб, зиммаларига қўйидаги оширилган социалистик мажбуриятларни оладилар:

— 1969 йил давлат планини саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми бўйича муддатидан илгари — 23 декабрда бажариш, 1970 йилнинг тўрт ойлик планини 20 апрелга адо этиш. Ҳар бир ишчи, хизматчи, инженер-техник ходим зиммасига шахсий мажбуриятлар олиб, ўзининг ҳалол меҳнати билан ленинча беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажаришига эришиш, беш йилликда планга қўшимча 16,2 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш, шу жумладан. 1969 йили 3,1 миллион сўмлик, 1970 йили 3,4 миллион сўмлик, шу жумладан 1970 йилнинг тўрт ойида 1,1 миллион сўмлик қўшимча маҳсулот тайёрлаш ва сотиш;

— иш жараёнларини механизациялаш, автоматлаш, фан ютукларини жорий этиш, илғор технология, меҳнатни илмий ташкил этиш, новаторлар тажрибасига амал қилиш ҳисобига беш йилликнинг қолган икки йилида меҳнат унумдорлигини саноат ва қурилишда камида 9 процент ошириш;

— электр энергияни тежаш ва ундан рационал фойдаланиш ҳисобига беш йилликда камида 22 миллион киловатт-соат электр энергия иқтисод қилиш, 3,5 минг тонна қора металл, 86 тонна рангли металл ва анчагина бошқа хилдаги ҳом ашё ҳамда материаллар тежаш;

— асосий фондлардан ва корхоналар оборот маблағларидан энг яхши фойдаланиш ҳисобига, чиқиндиларни камайтириш ва ортиқча ҳаражатларни қисқартириш йўли билан район корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлиги ва рентабеллигини ошириш. Шу ҳисобдан беш йиллик мобайнида планга қўшимча камида 4,5 миллион сўмлик жамғарма олиш, жумладан, 1969 йилда 1,1 миллион сўмлик, 1970 йилда 1,2 миллион сўмлик жамғарма тўплаш;

— ишлаб чиқариш новаторлари, ишчилар, хизматчилар ва инженер-техник ходимларни иқтисодий ишга кенг жалб қилиш асосида беш йилликда 3,5 миллион сўмдан кўпроқ иқтисодий самара берадиган камида 4,5 минг рационализаторлик таклифларини жорий этиш. Жумладан, 1969 йилда 1700 таклифни жорий қилиб, 1,1 миллион сўм самара олиш, 1970 йилда 1850 таклифни жорий этиб, 1,2 миллион сўм иқтисод қилиш;

— беш йилликда 35 участка, цех ва камида 250 иш жойида, жумладан 1969 йилда 12 участкада, 80 иш жойида, 1970 йилда 17 участкада, 110 иш жойида меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш;

— беш йилликнинг қолган икки йилида маҳсулотларнинг янги хилларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш;

— Ленин номли электрон техника заводи бўйича 15 хил буюм;

— «Қизил тонг» тикувчилик фирмаси бўйича 44 миллион сўмлик 225 янги моделдаги кийим-кечак;

— Октябрь революцияси номли заводда 80 минг сўмлик 60 хил маҳсулот;

— Тошкент химия-фармацевтика заводида 32 минг сўмлик 6 хил янги медицина препарати ишлаб чиқариш.

Граждан авиациясининг авиатранспорт корхонаси ходимлари 1969 йил ишлаб чиқариш планини 27 декабргача бажаришни таъминлайдилар ва пассажирлар ташишни 10 процент кўпайтирадилар, 1970 йилда эса бу йилгига нисбатан бу кўрсаткич 6 процент кўтарилади.

Тошкент темир йўл бўлинмаси коллективи беш йилликнинг қолган икки йилида пландан ташқари 375 минг тонна халқ хўжалиги юкларини вагонларга юклашни, шу жумладан 1969 йилда 200 минг тонна юк ортишни таъминлайди. Беш йиллик планга қўшимча 1 миллиард 800 миллион тонна халқ хўжалиги юклари ташилади, жумладан 1969 йилда 250 минг, 1970 йилда 225 минг тонна-километр юк ташилади. 1969 йилда камида йўловчиларга 400 минг ва 1970 йилда 410 минг хизмат гури кўрсатилади. Юк ва билетларни уйга элтиб бериш кенг йўлга қўйилади.

Трамвай-троллейбус бошқармаси ходимлари хизмат кўрсатиш маданиятини яхшилайдилар ва трамвайларда ҳамда троллейбусларда йўловчилар ташишни тағин ҳам кўпайтирадилар.

1969 йилда 228 миллион ва 1970 йилда 240 миллион йўловчи ташилади.

Район қурилиш ташкилотлари коллективлари саноат, маданий-маиший ва уй-жой қурилиши бўйича қурилиш-монтаж ишлари беш йиллик топшириғини, бинокорлик конструкциялари ва деталлар ишлаб чиқариш планларини ортиғи билан бажаришга қарор қилдилар. Камида 60 процент объект гарантияли паспорт билан аъло ва яхши баҳоларда фойдаланишга топширилади. 1969 йил 28 декабргача 18 минг квадрат метр ҳажмдаги уй-жой қурилади ва муддатидан илгари фойдаланишга топширилади. 1969 йил июлида 2600 ўқувчига мўлжалланган мактаб биноси қурилиб, фойдаланишга топширилади.

Беш йилликнинг қолган иккй йилида маҳаллий Советлар фондидаги уй-жойлардан 29 минг квадрат метри капитал ремонтдан чиқарилади, шунингдек 1200 квартира газлаштирилади, 100 минг квадрат метр йўл ҳамда йўлка асфальтланади.

Район саноат, транспорт корхоналари ва қурилиш ташкилотлари ходимлари Сирдарё областидаги колхозлар ва совхозларга оталиқ ёрдами кўрсатишни зиммаларига оладилар. Шу мақсадда улар хўжаликларга қишлоқ хўжалиги техникасини ремонт қиладиган бригадалари бўлган кўчма устаханолар юборадилар. Шунингдек қишлоқ меҳнаткашлари ҳузурида лекциялар, суҳбатлар ва бадиий ҳаваскорлик коллективлари концерт бригадаларининг чиқишлари ташкил қилинади.

Республика пойтахти Ленин районининг меҳнаткашлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукуматини ишонтириб айтадилар, улар 1969 йил плани ва беш йиллик топшириғини муддатидан илгари бажарадилар, В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини ишлаб чиқаришда юксак кўрсаткичлар билан кутиб олиб, мамлакатимизда коммунизм қурилиши улуғ ишига муносиб ҳисса қўшадилар.

Ленин номи билан аталадиган районимиз бутун мамлакат билан бир қаторда Ленин юбилейини муносиб кутиб олишга тайёрланмоқда. Совет кишиларининг орзуси, уларнинг бугунги ажойиб кучи ва янада порлоқ истиқболи Ленин номи билан боғланган.

Шарқ меҳнаткашларининг буюк мураббийси ва дўсти хотираси учун эски Асака қишлоғининг номи ўзгартирилиб, Ленин шаҳрига, район эса Ленин районига айлантирилганидан буён орадан ўттиз йил ўтди. Бу муддат тарихан унча катта эмас. Аммо шу давр мобайнида жуда катта ўзгаришлар юз берди. Кичик, қолоқ корхоналар ўрнида ҳозирги замон техникаси билан қуролланган пахта тозалаш, нефть қазиб чиқариш, озиқ-овқат корхоналари ва саноатнинг бошқа тармоқ корхоналари вужудга келди.

Ҳозирги замон қишлоқ хўжалик техникаси билан қуролланган колхозлар қишлоқ районининг кўркидир. Улар партия ва давлатнинг ёрдамига таяниб, пахта етиштиришни икки баравардан зиёд кўпайтирдилар. Ватанга деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини тобора кўпроқ етказиб беряптилар.

Еппасига саводхон бўлган аҳоли, мактаблар, касалхоналар, клублар ва кутубхоналар тармоғи ривожланганлиги моддий ва маданий бойликлар ўсганлиги ифодасидир. Ленин районинин маъноси билан ёппасига радиолашган, телефонлашган районга айланди. Ҳамма ерда Ильич чироқлари порлаб турибди.

Ҳозирнинг ўзидаёқ кўп иш қилинди. Лекин яна кўпроқ иш қилиш керак. Биз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш учун тайёргарлик кўра бориб, ўз зиммамизга қуйидаги социалистик мажбуриятларни оламиз.

САНОАТ БЎЙИЧА

Саноат корхоналарининг коллективлари маҳсулот реализация қилиш давлат планини 1969 йил 27 декабрда бажаришга, пландан ташқари 725 минг сўмлик маҳсулот тайёрлашга қарор қилдилар. Бу йил ишлаб чиқариш ҳажми 1968 йилдагига нисбатан 5 процент, меҳнат унумдорлиги эса бир ярим процент оширилади. Планга қўшимча 1000 тонна нефть қазиб чиқарилади, 500 тонна пахта толаси, 800 кубометр темир-бетон буюмлари ишлаб чиқарилади, 1 миллион киловатт-соат электр энергияси ҳосил қилинади ва кўп миқдорда бошқа хил саноат маҳсулотлари тайёрланади.

Саноат корхоналарининг коллективлари ишчи ва деҳқонлар иттифоқини мустаҳкамлай бориб, қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун 100 кубометр темир-бетон қувурлар ажратадилар, 450 тонна аралаш ем ишлаб чиқарадилар, 10 та пахта ташийдиган прицепни, 900 двигателни капитал ремонт қилиб берадилар.

Юбилей арафаси бўлган 1969 йилда кўприклар қурилиши учун темир-бетон тўсинлар, электр клеммалар ва рубильниклар учун деталлар каби маҳсулотнинг янги турларини тайёрлаш ўзлаштирилади, 19 та янги ускуна ўрнатилади. Меҳнатни илмий асосда ташкил қилишнинг 37 та планини, 310 та рационализаторлик таклифларини жорий этиш, кўп миқдордаги турли хил хом ашёни, қимматли материалларни иқтисод қилиш назарда тутилади. Ана шу ва бошқа тадбирларни амалга ошириш 500 минг сўм қўшимча фойда олиш имконини беради.

УЛКАН МАРРАЛАР

Андижон область Ленин районы меҳнаткашларининг

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Шаҳар ва райондаги транспорт ташкилотларининг коллективлари 1969 йилда пландан ташқари 24 минг тонна халқ хўжалиги юкларини ташиш, беш йиллик планни 1970 йилнинг 5 декабригача бажариш мажбуриятини оладилар.

Қурувчилар юбилей вахтасида туриб, қурилиш-монтаж ишлари йиллик планини 25 декабргача бажариш. В. И. Ленин туғилган кунгача эса планга қўшимча 200 минг сўмлик иш бажариш мажбуриятини оладилар. Меҳнат унумдорлиги 1,5 процент оширилади, қурилиш-монтаж ишларининг таннархи 0,3 процент камайтирилади.

Беш йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун курашиб, 1970 йилнинг 5 декабригача 3,5 миллион сўмлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш, меҳнат унумдорлигини 10 процент ошириш назарда тутилади. Давлатга пландан ташқари 7 минг тонна нефть, 700 тонна пахта толаси, 20 миллион киловатт-соат электр энергияси, 1700 тонна пахта ёғи ва кўп миқдорда бошқа хил маҳсулотлар етказиб берилади.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ БЎЙИЧА

Район қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ўтган қишда ва бу йил баҳорда об-ҳаво шароити ноқулай келганлигига қарамай, фақат бултур эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш учунгина эмас, балки В. И. Ленин юбилейини меҳнатда янги ғалабаларга эришган ҳолда кутиб олиш учун барча чораларни кўрадилар.

Улар ўз имкониятларини чамалаб кўриб, бу йил 72,2 минг тонна ёғи пландагидан ташқари 1400 тонна пахта етиштиришга қарор қилдилар. Етиштириладиган донинг миқдори 1940 тонна, шу жумладан шолининг миқдори 330 тонна, сабзавотнинг миқдори 1233 тонна, сутнинг миқдори 300 тонна, тухумнинг миқдори 109 минг дона кўпайтирилади.

Давлатга 1660 тонна дон, шу жумладан 720 тонна шоли, 8500 тонна сабзавот, 700 тонна полиз экинлари маҳсулоти, 370 тонна мева, 900 тонна узум, 1250 тонна гўшт, 3400 тонна сут, 1 миллион 200 минг дона тухум, 90 тонна жун, 500 тонна пилла сотилади. Бу бултургидан анча кўпдир.

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, бедапоялар майдонини кенгайтириш ҳисобига тупроқнинг унумдорлигини ошириш ва деҳқончилик маданиятини кўтариш, минерал ва маҳаллий ўғитлар ҳамда химиялаштиришнинг бошқа воситаларидан фойдаланиш натижасида кўриладиган самарани кўпайтириш юзасидан бир қатор тадбирларни амалга ошириш назарда тутилади.

Белгиланган майдонга беда экиш плани бажарилди. Ана шу қимматли экин майдони 2216 гектарга етказилди. Бедапояларни парвариш қилишни яхшилаш ва шу йўл билан олинадиган беда пичани ва беда уруғи миқдорини кўпайтириш тадбирлари амалга оширилмоқда.

Бу йил 300 гектар янги ва 1500 гектар суғориладиган партов ерлар ўзлаштирилади ҳамда қишлоқ хўжалик оборотига киритилади, эскидан экин экиб келинаётган ерлар яхшилаб текисланади.

Ерларни сув билан таъминлашни яхшилаш мақсадида бу йил машина билан суғориш учун узунлиги 60 километрдан иборат бетон қопланган каналлар қуриш ва фойдаланишга топшириш қарор қилинди. Стрелково насос станцияси ва Туямўйин насос станциясининг сув чиқарувчи иккинчи ускунаси қурилиши бошланади. Асакасодир, Нарайбўра ва Чек-2 насос станцияларини реконструкциялаш, 6 та йирик гидротехника иншоотларини қуриш ва реконструкциялаш амалга оширилади. Бу 2000 гектар ерни сув билан таъминлашни яхшилаш имконини беради.

Район хўжаликлари КПСС Марказий Комитетининг 1968 йилги октябрь Пленуми қарорларини амалга ошира бориб, деҳқончилик ва чорвачиликка механизацияни янада кенгроқ жорий этиш, механизатор кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, машина-трактор паркидан фойдаланишдан, кўрилдиган самарани ошириш ҳамда уни яхшироқ сақлаш чораларини кўрмоқдалар.

Район механизаторлари бу йил етиштирилган ҳосилнинг 50 процентини ёғи бултургига қараганда икки баравар кўп пахтани машиналарда териб бериш қарор қилдилар. Кўзланган мақсадга эришиш учун 45 та комплекс механизациялашган бригада ташкил этилди, 350 механизатор тайёрланади ва 650 механизатор қайта тайёрланади. Шу жумладан хотин-қизлардан пахта териш машиналарининг 50 механик-ҳайдовчиси тайёрланади ва қайта тайёрланади.

Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва чорвачиликнинг рентабеллигини оширишни таъминлаш мақсадида 15,9 минг тонна дағал хашак жамғариш ва 38,2 минг тонна силос бостиришга қарор қилинди. Эски бедапояларнинг гектаридан камида 88 центнердан беда пичани ва маккажўхори ҳамда ок жўхорининг гектаридан 300 центнердан силос боп кўпроқ олишга эришилади.

Чорвачилик фермаларидаги кўп меҳнат талаб қиладиган иш жараёнларини механизациялаш ва электрлаштириш чоралари кўрилмоқда. Шу йилнинг бошида қорамолларнинг 55,1 процента механизмлар воситасида суғорилаётган эди. Бу кўрсаткични 80 процентга етказишга қарор қилинди. Сигирларни механизмлар билан соғиш даражаси 13 процент, ем-хашакни тарқатиш ва молхоналарни тозалашни механизациялаш даражаси 7 процент оширилади.

Деҳқончиликка ва чорвачиликка комплекс механизацияни жорий этиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот етиштиришга қилинадиган моддий ва пул маблағлари сарфини камайтириш ҳисобига ишлаб чиқариш ва умумхўжалик харажатларини 4,2 процент қисқартириш, шу ҳисобдан 1 миллион 386 минг сўм маблағни тежаб қолиш, колхозларнинг соф фойдасини 5,9 миллион сўмга етказиш, ишлаб чиқаришнинг рентабеллик даражасини 1968 йилдагига нисбатан 5,8 процент ошириш назарда тутилади. Бўлинмас фондга 2 миллион 154 минг сўм маблағ ажратилади ва колхозчиларнинг меҳнатига тўланадиган ҳақ икки миллион сўмдан зиёд кўпайтирилади.

ХАЛҚ МАОРИФИ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, МАДАНИЯТ, САВДО ВА МАИШИЙ ХИЗМАТ БЎЙИЧА

В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигигача Ленинск шаҳрида 960 ўқувчига мўлжалланган ўрта мактаб биносини, шаҳар почтамтини, маиший комбинатни иккита кўп квартирали уй-жой биносини қуриш ва фойдаланишга топшириш назарда тутилади. 1970 йилнинг 22 апрелигача қишлоқларда 4400 ўқувчига мўлжалланган 12 та янги мактаб биноси фойдаланишга топширилади, иккита болалар боғчаси, қишлоқ касалхонаси, 4 кинотеатр, 2 ҳаммом, янги типдаги 45 та дала шийпони, 800 уй-жой биноси, 34,5 километр узунликдаги водопровод, 52 километр узунликдаги газ қувури қурилади, узунлиги 35 километрдан иборат янги йўллар қурилади ва эски йўллар ремонт қилинади. 2500 колхозчи хонадони газлаштирилади. Беш йилликнинг охиригача эса 16400 квартира газлаштирилади.

Юбилейгача Ленинск шаҳрида 12 та савдо муассасаси, қишлоқларда 16 магазин очилади. Савдони ташкил қилиш, хизмат кўрсатиш маданияти ва санитария ҳолати бўйича энг яхши корхона номини олиш учун кўрик-конкурс ўтказилади.

Барча меҳнаткашларнинг буюк доҳийси ҳурматини бажо келтириб, коммунистик шанбаликлар ҳисобига В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигигача Ленинск шаҳрида Ильичга ҳайкал ўрнатилади ва Ленин номидаги уй-музей ташкил этилади.

Меҳнаткашлар дам оладиган зонани вужудга келтириш тадбирлари амалга оширилади.

Жонажон Ильичнинг 100 йиллик юбилейига роса бир йил қолди. Кун сайин зарбдор меҳнат қилиб, Советлар мамлакатининг қудратини мустаҳкамлаймиз ва бойлигини кўпайтирамиз, олинган мажбуриятларни бажариш учун қатъият билан кураш олиб борамиз. Ленин юбилейини муносиб меҳнат совғаси билан кутиб олиш ҳар бир ишчининг, пахтакорнинг, шаҳар ва қишлоқдаги барча меҳнаткашларнинг шон-шараф ишидир.

Биз ўз зиммамизга олган социалистик мажбуриятларни районимизнинг барча меҳнаткашлари қизғин қўллаб-қувватладилар. Бу мажбуриятлар ғайратимизга ғайрат қўшмоқда, ҳар бир корхона, цех, смена, бригадада, ҳар бир иш жойида планни муддатидан илгари бажариш учун мусобақа авж олиб кетди.

Мажбуриятлар Андижон область Ленин районы партия активининг йиғилишида муҳокама этилиб, қабул қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

А. РАҲМАТОВГА (АДҲАМ РАҲМАТГА) «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Республикада ҳарбий-ватанпарварлик адабиёти ва журналистикасини ривожлантиришдаги катта хизматлари учун ёзувчи Адҳам Раҳматовга (Адҳам Раҳматга) «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Е. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОЕВ.

Тошкент шаҳри.
1969 йил 25 апрель.

Суратда: Днепропетровск қурилиш-монтаж поездининг пешқадам пайвандчилари М. Капрон (чапда), А. Глушченко, А. Московенко ўртоқлар. Украиналикбиродарларимиз 1 Май байрамигача жами 198 квартирали уйларни фойдаланишга топшириш учун ҳаракат қилмоқдалар.

А. Тўраев фотоси.

ҚУДРАТИМИЗ — ДЎСТЛИКДА



В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкентдаги филиали биносини меъморлар ва лойиҳачилар юқоридаги суратда тасвирланганидек тасаввур этмоқдалар. Ҳозир музей қурилиши жадал суръатлар билан бормоқда. 11-«Висотстрой» трестининг 69-қурилиш бошқармаси механиклашларн бу бинони улуғ доҳиймиз туғилган кунининг 100 йиллигигача қуриб битказишга бел боғлаганлар. Бу йил асосий қурилиш ишлари тугалланади. Келгуси йилнинг биринчи кварталида музей фойдаланишга топширилади. Суратда: В. И. Ленин Марказий музейи филиалининг макети.

И. Глауберзон фотоси.

ЙЎЛДОШ ШАҲАР

16-Май куни Йўлдош шаҳарнинг туғилган куни. Календарь варағида ҳеч қандай белги бўлмаса ҳам, шаҳар гражданлари бу кунни хушнудлик билан қарши олишга одатланиб қолишди. 1966 йил 16 май куни, машҳур 26 апрель кечасидан бор-йўғи 20 кун ўтгач, ҳали Тошкент зилзиласи сўниб-сўнмай турган бир пайтда Йўлдош шаҳарнинг биринчи иморатига пойдевор қўйилди.

Халқимизнинг дўстлик, биродарлик ҳақида қанча-қанча ҳикматларивояти бор. Йўлдош шаҳар ижодкорларининг буюк жасорати, қардошлик садоқати халқ тилида достонга айланди. Тошкент зилзиласининг кучи юзлаб километрга чўзилиб сўнган бўлса, Тошкент жасорати бутун дунёга янграб таралди.

Уч йил муқаддам ҳозирги Йўлдош шаҳар Сергелида турнақатор чодирлар саф тортди. Белоруссия, Ленинград, Киев ҳарбий округлари ва Болтиқ бўйи флотидан келган баҳодирлар шаҳарнинг порлоқ истиқболига бел боғладилар. Уларга Москва ва Туркистон ҳарбий округларининг қурувчилари мададкор бўлишди. Шаҳар қурилиши 200 гектар майдонни ажратиб олиб, симёғочлар ўрнатиш, нур келтириш билан бошланиб кетди. Улкан қурилиш ишлари уч сменада олиб борилди, кеча-кундуз ҳаёт қайнаб турди.

Сир эмас, шаҳар қурилиши мислсиз жасорат талаб қиларди. Ҳарбий бунёдкорлар жанговар меҳнат вахтасида кеча-кундуз мардона кўкрак кердилар. Шаҳар қурилиш майдонлари интернационал дўстликнинг ойдин тимсолига айланиб кетди. Ижодкор қурувчилар орасида 30 дан ортиқ миллат вакилларини кўриш мумкин эди. Ўша кунларнинг гувоҳи бўлганлар старший сержант Н. Коцюба бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси қурувчилари бошлаган ажойиб ташаббусни унутмайдилар. Улар Улуғ Октябрнинг 49 йиллиги байрами шарафига оширилган мажбурият қабул қилиб, майдонга чиқдилар. 15 кишидан иборат бригада ойлик планларини 300 процентга етказиб бажариб, 8 та 12 квартирали уйни тўла-тўкис қуриб тугаллашди. Бригада коллективи икки марта Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма вимпелини олишга муяссар бўлди. Сергели шаҳрининг шуҳратли меҳнат китобида сержантлар А. Махия, И. Павлишче, Г. Гвининдзе, Ф. Велмахметов, М. Розенко ва бошқалар ўз номларини шараф билан битдилар.

Сергелини бутун Советлар мамлакати қурди, дейилса муболаға бўлмас. Қўлига андаза ушлаган матрослар экскаватор ва миноралн кранларни бошқарган солдатлар, сержантлар орасида камчаткалик русинг, бокулик озарбайжоннинг ригалик латишнинг, тбилисилик грузиннинг, уфалик татарнинг, хуллас бутун мамлакатнинг ҳамма бурчагидаги қардошларнинг жанговар фарзандларини кўриш, улар орқали барча дўст, биродар миллатларнинг ялқ меҳрини, ҳамдардлигини сезиш мумкин.

Бундан уч йил муқаддам Сергелининг ўрни Янгийўл районидаги «Узгариш», Свердлов номли, Жданов номли совхозларнинг шолизорлари эди. Бугун унинг ўрнида каттагина бир шаҳар қад ростлаб турибди. Кечагина бу ерлар шолизорларга ажратилган карталардан иборат эди. Бугун эса шинам кўчалар, мактаблар, кинотеатрлар ва ажойиб уй-жой биноларидан иборат. Қисқа муддат ичида 4500 хонадон ҳовли тўйи ўтказди. 65 та ётоқхона, 1760 ўқувчини бағрига олган мактаблар, 6 та болалар боғчаси, 7 та магазин, иккита маиший хизмат кўрсатиш комбинати ва яна қанча-қанча бинолар... Ўнлаб бинолар битиш арафасида турибди, янги-янги иморатларга пойдевор қўйилятти. Сергели мебель фабрикаси кенгайиб, ишлаб чиқариш қуввати ортиб бормоқда.

Коммунистик шанбаликнинг ярим асрлик байрами кунида 12 минг киши шаҳар чиройини очишда қатнашди. «Коммунистик шанбаликнинг 50 йиллиги» деб номланган истиқоҳат боғича минглаб тун кўчат ва гуллар ўтказилди.

Бугун Сергели кўчаларида гуллар очилган. Шаҳар қурила бошлаган йили ўтқазган ниҳолларимиз кўм-кўк барг ёзиб, йўлларга, хиёбонларга соя ташлаган. Фусункор баҳор кунида Йўлдош шаҳар уч ёшга тўляпти. Шу унутилмас кунда ҳар бир сергелилик шаҳарнинг биринчи иморати пойдеворига қўйилган «Авлодларга мактуб» ҳатидаги шу жумлаларни бенхтиёр ёдга олади:

— Келажак авлод, — деб битилган унда. — Бу шаҳарнинг пойдевори минг тўққиз юз олтмиш олтинчи йилнинг 16 майида қўйилди. Унинг ижодкори — дўстлик бўлди!

З. ҚОДИРОВ,

Сергели район ижроия комитетининг раиси.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ўзининг навбатдаги мажлисида Қашқадарё область ижроия комитетининг раиси И. Жалилов билан Фарғона область ижроия комитетининг раиси Ҳ. Умаровнинг меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советлари ҳамда уларнинг ижроия комитетларининг ҳуқуқларида қонунчиликка риоя қилинишн тўғрисидаги докладларини тингланди.

Область ижроия комитетлари чиқарилаётган қарор ва фармойишлар қонунийлигини бўш назорат қилаётганликлари қайд этиб ўтилди. Ижроия комитетларнинг ташкилий-инструктор бўлимлари амалга ошираётган юридик хизматнинг аҳволи ўсиб бораётган талабларга жавоб бермаяпти. Кўпгина ижроия комитетлар жуда муҳим ҳисобланган қарорларнинг лойиҳаларини олдиндан жамоатчилик, доимий комиссиялар, депутатлар, юридик ходимлар муҳокамасидан ўтказиб туришни расм қилмаяптилар. Бунинг оқибатида шаҳар ва район Советлари ва ҳатто область ижроия комитетларининг айрим қарор ва фармойишлари пала-партиш тузилган ва бир қанча моддаларида гражданларнинг қонуний ҳуқуқларига ҳалал етказилган. Маълум даражада бу камчиликлар эҳтиёж муассасаларда бюрократчилик элементларига батамом барҳам берилмаганлиги, меҳнаткашларнинг эҳтиёж ва талабларини бутун чоралар билан қондирмоқ учун ҳар бир ходимнинг масъулиятн оширилмаганлиги сабаби келиб чиқди.

Олий Совет Президиуми қабул қилган қарорида ижроия комитетларга ҳуқуқ ишини анада такомиллаштиришга қаратилган бир қанча чоралар тавсия қилди.

Депутатлар ва маҳаллий совет ходимларининг ўқишини ташкил қилиш тўғрисида ҳам қарор қабул қилинди. Энг яхши депутатлар, доимий комиссиялар ва депутат группалари тажрибасини, юридик билим асосларини ўрганиш учун мунтазам машғулотлар ўтказиб туришига қарор қилинди. В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган махсус кенгашлар-семинарлар ва назарий конференциялар чақириш мўлжаллаб қўйилди. Икки ойда бир марта район ва шаҳар Советлари ижроия комитетларининг «Секретарь кунлари», бир ойда бир марта қишлоқ ва поселка Советлари ижроия комитетларининг «Секретарь кунлари» ўтказиб турилади.

Олий Совет Президиуми Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантириш плани билан давлат бюджетини ишлаб чиқишда республика Олий Совети доимий комиссияларининг ролини ошириш тўғрисида қарор қабул қилди. (ЎзТАГ).

РОССИЯ ТУҲФАСИ

Тошкент вокзали не-не воқеаларнинг гувоҳи бўлмаган, бу ерда севинч ва алам кўз ёшлари тўкилган, висол ва фироқ онлари ҳам ана шу ерда кечган. Ҳозир ҳам кўпни кўрган вокзал яна бир воқеанинг шоҳиди бўлиб турибди: оқ кўйлакка лоларанг галстук таққан ўғил бола жовдираб дадасига тикилади. Ота «бор вагонга чиқ-қол» дейди-ку, лекин кўзининг оқу-қорасини бағридан чиқариб юборгуси келмай турибди. Зилзила юракларни титратиб тургани учун ҳам пойтахт аҳли ўз фарзандларини қардош республикаларга, Москва ва Ленинградга жўнатмоқда. Болаларнинг соғлигига путур етмасин — ота-оналарнинг ўйлаган ўйи ана шу.

...Гувалалари тушиб кетиб, синчи қолган вайрона уй олдида чолу-кампир маъюс ўтиришибди. Отанинг ҳам, онахоннинг ҳам бу ердан қадам узгуси келмайди. Эҳтимол, уларнинг тўйлари шу хонадонда, шу ҳовлида бўлгандир. Отанинг йигитлиги, нуроний онахоннинг ёшлиги ана шу ҳовлида ўтгандир. Кўп яхшилик кўрган, оғирчилик кунларни ҳам биргаликда кечириб, ғамандуҳга биргаликда бардош берган ерингни ташлаб кетиш осон эмас, бўлмаса, райижрокомдаги йигитлар янги уйнинг ордерини беришди. Чол-кампир ўша ёққа кўчишмоқчи.

...9 май куни ер яна бир қаттиқ силкинганда, Аҳмаджон отанинг ҳам умрини шартта арралаб кетди. Маҳалла-кўй кўмиш маросимига йиғилди. Ана ўшанда отанинг беш яшар набираси роса йиғлаб, ҳаммасининг жигар-бағрини хун қилган эди.

Тошкентда 1966 йилнинг кузагида сейсмологларнинг кенгаши бўлганида зилзила товуши ёзиб олинган магнитафон қўйилган эди. Шунда бутун зал нафасини ичига ютиб, ойлаб Тошкент аҳолисининг юрагига ғулғула солиб турган гулдирак товушини эшитди. Зилзиланинг товуши ҳам, ўзи ҳам хунук, лекин Тошкент аҳолиси дўстларнинг дийдорини кўриб турганн учун, уларнинг мададини сезиб турганн учун, улар қураётган янги уйларни кўриб юраги қувончларга тўлиб турганн учун зилзилага бардош беришгина қолмай, офатнинг белини ҳам синдирди.

...Вокзалда халқ сайили, тўю томоша, карнай, сурнай садолари янграйди. Одамларнинг қўлида, вокзал майдонларида гул. Бугун ҳамма гул кўтариб чиққанга ўхшайди. Мана, пишиллаб перронга узун состав кириб келди Девкомат тепловозининг пешанасига «Москва—Ташкенту» деган сўзлар ёзилган. Ҳали ҳам зилзила безовта қилиб турган кунларда москвалик қурувчилар биринчилар қатори азим пойтахтимизга келишди. Биринчи гуруҳда 2300 бинокор бор эди. Тошкентлик ишчи Ренат Раҳматуллаев, пойтахтимиз бинокорларининг ўша вақтдаги сардорларидан бири Абдуҳамид Қаюмов, ўзбек олими, академик Ғани Мавлонов Москва бинокорларининг «қадамига ҳасанот» деб, уларни Ўзбекистон тупроғида муборакбод этдилар.

Азиз Москва, Ўзбекистон ва Тошкент тақдири ҳамма вақт сенинг тақдиринг билан боғлиқ. Тошкентни қайта қуриш лойиҳасини ҳам биринчи бор москвалик мутахассислар 1936 йилда тузган эдилар. Тошкент ишчиларига Москва усталари муаллим ва мураббий бўлиб келганлар. Тошкент мутахассиси ва олима сенда тахсил кўрган. Сенинг қўл остингда улғайган, камолга етган. Мана энди Москва бинокори пойтахтимизнинг ўзида янги уйлар қуради.

1966 йилнинг эрта ёзида Тошкентда москвалик архитектор ва инженерлардан В. Стейскал ва Р. Фейгельман ўртоқлар билан учрашган эдим. У вакилларда Чилонзордаги 26-квартал деганда кишилар ҳайрон бўлиб, елкаларини кисиб қўя қолишар эди, чунки бундай кварталнинг ўзи йўқ эди. Москвалик меъморлар ва лойиҳачилар хаёлида ана шу кварталнинг режаси эндигина пайдо бўла бошлаган эди. Архитектор В. Стейскал бўлажак кварталнн кўриб тургандай тўлиб-тошиб сўзлаган эди:

—Биз Чилонзорда беш қаватли оҳарланган ғиштин уйлар қурамиз. Илгаги Москванинг Жданов районида ана шунака уйлар лойиҳасини чизган эдик. Лекин Тошкентда қураётган уйларимизнинг ажиб хусусиятлари ҳам бўлади. Бу уйларни қуришда шаҳрингизнинг иссиқ иклими ва сейсмологиясини ҳисобга олганмиз. Ҳар бир квартирада балкон десаммикин ёки ўзбекча қилиб айвон десаммикин, хуллас дим оқшомларда ҳам одам роҳат қилиб дам олса бўладиган, биз архитекторларнинг тилимиз билан айтганда лоджиялар бўлади. Ўйлайманки, бу айвонлар тошкентликларга маъқул тушар. Уйларнинг пардози ҳақида ҳам икки оғиз гапирмоқчиман. Хоналар поли линолеум ёки паркетдан бўлади. Тошкент уйларига ишлатиладиган ромлар ва эшикларни Москвадаги ёғоч ишлаш заводлари тайёрлаб беришяпти. Москва уйларига оҳарланган, пардозланган ғишт терилади. Қадимги ўзбек маҳаллаларидаги сингари ариқлардан шариллаб сув оқиб туради.

Тошкентнинг марказида ҳам тўққиз қаватли катта-катта уйлар қурамиз. Бу ҳам Тошкент учун бир янгилик бўлар. Қураётган уйларимиз тўққиз балли зилзилага ҳам бардош беради...

Хозир Чилонзордаги 26-кварталга боринг. Москваликлар қурган уйларни кўриб кўзингиз қувнайди, чиройли, кўркам, дид билан қурилган, хуллас бинокорлар москвачасига ишлашган. Тошкентликларга ажойиб туҳфа ҳозирлашган.

Тошкент мадҳини куйлаган халқимизнинг ажойиб шоири ёзган эди:

Кундузи бу ерда Москва бўлса,
Худди Ленинград ойдин кечалар.

Бундан бир неча йиллар илгари ёзилган бу шеър худди бугун Москва ва Ленинградлик бинокорларнинг янги уйларини, қардошларимиз бунёд этган янги маҳаллаларни кўриб ёзилгандек туюлади кишига.

Июль Вернинг ажойиб романларидан бири «Замон машинаси» деб аталади, Вайрона қаҳрамонлари ўтмиш ва келажакка сафар қилса, бўладиган машина ясаб саёҳатга чиқадилар. Агар ҳақиқатан ҳам ана шундай машина яратишнинг иложи бўлса эди, биз Тошкентнинг ўтмишига саёҳат қилган бўлур эдик ва мустамлака Тошкент шаҳрига пойдевор қўйилганлигини ҳам кўрган бўлур эдик: 1865 йилнинг ёзида почта каретасида Петербургга поручик Александр Макаров келди. У Невский проспектидан ўтиб, Қишлик саройга кириб бораверди. Поручикнинг чарм саквояжида Тошкент 12 дарвозасининг 12 олтин калити бор эди. Шундан бир ой муқаддам Тошкентни Александр II аскарлари босиб олган ва шаҳар казо-казолари калитни генералга тақдим этган эдилар. Александр II Тошкентга бриллиант билан безатилган қилич юборган экан. 1866 йилнинг баҳорида губернатор Дмитрий Романовский Тошкент қишлоқларимиз жамолини очаётган бинокорлар бор эди. Мен ана шулардан бири—ленинградлик босиқ ва ишчан одам Федор Семёнович Ерошин ҳақида икки оғиз гапириб ўтмоқчиман: Федор Семёнович эндигина 40 дан ошди. Эсини таниганидан бери қурилишларда ишлайди. Тошкентдаги зилзила тўғрисида шум хабарни эшитгач, Федор Ерошин бошқармага борнб Тошкентга борсам, деб қолди. Ерошин бригадасида фақат қиз-жувонлар ишлашарди. Уларнинг кўпчилиги бола-чақали. Боғча-ю яслига борадиган жажжи-жажжи ўғил-қизлари ҳам бор. Бошқармадагилар ўйлаб қолишди. Бу ёғи қандоқ бўларкин. Ёш болаларни онадан ажратиш осон бўлмаса керак. Федор Семёновичга ана шу мулоҳазаларни айтишган эди, у қизлар билан маслаҳатлашиб кўрай деб, чиқиб кетди. Бригаданинг қиз-жувонлари Ерошининг гапларини эшитишар экан, ўйлаб кўришиб, биз қурувчилар Тошкентга жуда зарур бўлиб турганга ўхшаймиз, ҳар қалай қийинчиликни оиламизга олиб бўлса ҳам, борганимиз маъқул бўлар, дейишди. Шундай қилиб, Ерошин Аня Лебедова, Рита Митрохина, Алла Голубева, Галя Максимова, Тамара Петрова, Люся Чистякова сингаси пардозчи ишчилар билан Тошкентга келди. Агар Чилонзордаги 25-секторда қурилган уйларни кўрсангиз, уларнинг пардозига разм солсангиз, бу уйлар уларни пардозлаш чиқарган қизлар сингари кўҳликлигига тан берасиз. Ерошин гиҳ-тиҳчимас, ихтирочи одам. У пардозлаш ишларини механизациялаш учун асбоб-ускуналар яратган. Халқ хўжалиги югуқлари виставкасининг кумуш медалларини шунинг учун олган. Шу боисдан ҳам Тошкентдаги пардозлаш трестларининг мутахассислари ва ишчилари унинг қўлида таҳсил кўрдилар. Ленинградлиқ пардозчилар тиним билмай, юқорн унум билан ишлаганнни шундан ҳам билса бўладики, улар икки ойда 130 квартира пардозини қўлдан чиқаришаверди. Бунақанги суръат ҳатто Ленинградда ҳам бўлмаган эди...

Тошкентда Россиянинг ҳамма областлари, Москва ва Ленинград бинокорлари тер тўкиб ишладилар. РСФСРдан келган қурувчилар шаҳримизда жами 580 минг квадрат метр уй-жой, ўнлаб мактаб, болалар боғча-яслилари, дўконлар қуриб бердилар. Уйсозлик комбинати бунёд этилди. Буларнинг ҳаммаси учун Тошкент халқи Россияга қуллуқ қилади, миннатдорчилик сўзларини такрор-такрор айтади.

Россия, Россия менинг
Ватаним,
Мен сенинг ўғлингман,
эмасмач меҳмон,
Сенинг тупроғингда улғайди
таним,
Ҳозирман сен учун бўлмоқка
қурбон

Ҳамид Олимжон Улуғ Ватан урушининг оғир йилларида халқнинг фикру дилини, ўйини нфодалаб, халқнинг тили билан шундай деб ёзган эди. Россиянинг Ўзбекистон гупроғида, республикамиз пойтахтида қурган уйларида туғилаётган, шу ерда яшайдиган, хали тили чиқмаган, алифбени энди ўқийдиган ўғил-қизларимиз ҳам вақти келиб шоирнинг ана шу мисраларини баралла такрорлайдилар.

А. АБДУҚОДИРОВ.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

1966 ЙИЛ 26 АПРЕЛДА

● Зилзила натижасида Тошкент шаҳри хўжалиги катта зарар кўрди.

● 2 миллион квадрат метр уй-жой қаттиқ шикастланди.

● 78 минг оила бошпанасиз қолди.

1969 ЙИЛ 26 АПРЕЛГАЧА

● 2 миллион 500 минг квадрат метрдан ортиқ уй-жой биноларн тикланди.

● 70 минг оила янги обод квартиралар билан таъминланди.

● Янги боғча-яслилардан 72 таси, 2 туғруқхона, бир вақтда 1680 кишини қабул қиладиган поликлиникалар фойдаланишга топширилди.

● 200 мингдан ортиқ квартира табиий газ билан таъминланди.

● Шаҳар ободончилигига шу уч йилда сал нам 50 миллион сўм сарфланди.

● Янгидан Бешқайроғоч, Янгиобод, «Москва» массивларн бунёд этилди. Бу массивларда 35 километр йўл қурилди.

ҲИССАМИЗ

Горький шаҳрининг бинокорлари Тошкентга биринчи бўлиб келганлардан. Биринчи зилзила бўлиб ўтганидан сал кейинроқ, биз энг яхши қурувчиларимиз билан йўлга отландик. Ушандан буён Узбекистон пойтахтини янгидан барпо қилиш учун олиб борилаётган умумхалқ дашарида қатнашиб келяпмиз.

Тошкентнинг об-ҳавоси Горький шаҳридагига қараганда бошқача бўлса ҳам кўнникиб кетдик. Дастлабки қийинчиликларни енгдик. Зилзила оқибатларини тугатиш учун барча тадбирларни кўриш туфайли 1966 йилнинг декабрь ойида Чилонзорнинг 23-кварталида дастлабки уй-жой биносини фойдаланишга топширдик. 80 квартирали ана шу уй бошпанасиз қолган тошкентликларга биринчи туҳфамиз эди.

Шундан кейин уй-жой қурилишини тағин ҳам тезлаштириб юбордик. 1967 йилда горькийлик қурувчилар Чилонзордаги асосий қурилиш ишларини тамомладилар. Тошкентликлардан яна 180 оилани сиғдирадиган 2 та уй қурилди. 140 ўринли болалар боғча-яслиси ҳам фойдаланишга топширилди. Шаҳар марказидаги 4-кварталда яна бир улкан иморат қурилишига пойдевор қўйдик. Тўрт қаватли бу уй-жой биноси қуриб тамомланганидан кейин 9 қаватли иморат тиклаш ишларини бошлаб юбордик.

Ўтган йили ҳам ғайрат билан ишладик. Тўрт қаватли уйлардан учтасини тиклаб бўлдик. Собир Раҳимов темир йўл станцияси ёнида бугхона, компрессор станцияси, шагал майдалаш ва мазут хўжаликларини қурдик. Улкан поликлиникка барпо этдик. Шаҳар марказидаги 4-кварталда 9 қаватли уй қурилишини тамомладик.

Бу йил биринчи квартал мобайнида 30-уйдаги ишларни битириб қўйдик. Мана шу уй тошкентликларга биз совға қилаётган энг охирги объект бўлади. 9 қаватли бу уй қурилишида пардозлаш ишлари тугалланай деб қолди. Яқин кунлар ичида бу ишни ҳам тамомлаймиз.

Тошкент биз учун жонажон шаҳар бўлиб қолди. Биз шаҳарни янгидан барпо қилиш ва пайта тикиш ишига кўпроқ ҳисса қўшиш учун интилдик. Прорабларр, мастерлар ва бичонорлик бригадалари ҳар дақиқани ғанимат билиб, тошкентликлар учун мумкин қадар кўпроқ уй-жой биноларн қуриб беришга ҳаранат қилдилар. Тошкент қурилишида Ю. Вдовин бошлиқ дурадгорлар бригадаси алоҳида ибрат кўрсатди. Ю. Абрамов раҳбарлик қилаётган комплекс бригада аъзоларининг ғайрат-шижоатига кўпчилик қойил қолмоқда. А. Куклина ишбоши бўлган бўёқчилар коллективи пардозлаш ишларини юқори сифатли адо этиш билан ҳурмат-иззат орттирляпти. Ишни пухта ташкил этиш ва аҳия бўлиб меҳнат қилиш натижасида ҳамиша қурилиш ишлари графикларини ортиғи билан адо этишга муваффақ бўлмоқдамиз.

Тошкент кўз олдимизда янгиланмоқда. Унинг ҳусни-жамоли очилиб бормоқда. Биз учун жуда қадрдон бўлиб қолган шаҳарда тиклган иморатларимиз Горький ва Тошкент меҳнаткашлари дўстлигининг рамзи сифатида узоқ йиллар қад ростлаб туражак.

В. ПАРАХИН,

Горький қурилиш-монтаж поездининг бошлиғи.

Бу кўҳлик қизлар Россия Федерациясининг Новокузнецк шаҳридан келишган. Улар пойтахтимиздаги «Ц-4» ва «Ц-5» кварталларида 9 қаватли уйларда пардоз ишларини бажаришяпти. Суратда: (чапдан): М. Иброҳимова, В. Тудирякова, В. Сафронова, В. Подшибякина, З. Уртигешева.

И. Глауберзон фотоси.

РАССОМ ҲАНДАСИ

— Янги уйларда тошкентликларга бахт-саодат ёр бўлсин.

— Учиб чиққанга не етсин.

Тошкентда туғилган эгизак фарзандларига украин бинокорлари Галя ва Султон деб ном қўйишибди.

М. Воробейчиков ишлаган расмлар.

Москвада Ўзбекистон ССР фанининг ленинча кунлари

САММИЙ УЧРАШУВЛАР

Ватанимизнинг пойтахтида Ўзбекистон ССР фанининг ленинча кунларини ўтказишга борган республика олимлари делегацияси 24 апрель куни москвликлар билан кўп самимий учрашувларда бўлди.

Шу куни Ўзбекистон вакиллари Москва Жданов райони меҳнаткашларининг меҳмони бўлдилар. Бу ерда республика делегацияси қадрдон дўстлар каби кутиб олинди. Жданов райони билан Ўзбекистон ўртасида кўп йилларидан бери мустаҳкам дўстона алоқа боғланиб келади. Республикамизнинг вакиллари ва москвликлар бир-бирларида неча бор меҳмон бўлганлар. Районнинг кўпгина корхоналари ва муассасалари Ўзбекистон билан яхши ишчан алоқалар боғлаб турибди. Масалан, Москва рентген—радиология илмий-тадқиқот институтининг коллективи республикамиз учун юқори малакали рентгенолог кадрлар тайёрлаб беришда кўп иш қилди. Ўзбекистон пойтахтидаги энзиладан сўнг тошкентлик болалар мазкур районнинг интернат-мактабида икки йил таълим олишди.

Жданов район партия комитетида район партия комитетининг биринчи секретари Н. В. Ермаков Москванинг бу етакчи индустриал районг тўғрисида, район меҳнаткашларининг В. И. Ленин таваллудининг 100 йиллиги шарафига бошланган мусобақада эришган муваффақиятлари ҳақида меҳмонларга гапириб берди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов самимий кутиб олганликлари учун район вакилларига қизғин миннатдорчилик билдириб, республика меҳнаткашлари Ленин юбилейи вахтасида эришаётган ютуқлари тўғрисида москвликларга гапириб берди.

Шундан сўнг делегация аъзолари Жданов районининг корхоналари ва муассасаларига қараб йўл олдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти О. С. Содиқов ва делегациянинг бошқа аъзолари Москванинг энг катта корхоналаридан бири—1-соатсозлик заводининг меҳмонлари бўлишди. Ўзбекистон вакиллари корхонанинг цехларини кўздан кечириб, ишлаб чиқариш билан танишдилар, ишчилар ва инженерлар билан суҳбатлашдилар.

Худди шу куни Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ер илми бўлимининг академик-секретари О. М. Акрамхўжаев биринчи давлат подшипник заводининг ходимлари ҳузурида республикамизнинг табиий бойликлари ва уларни ўрганиш ҳақида гапириб берди. Тошкент ўлка медицинаси илмий-тадқиқот институтининг лаборатория мудири профессор Н. А. Деҳқонхўжаева СССР медицина фанлари академияси билан Москва рентген-радиология илмий-тадқиқот институтининг илмий ходимлари ҳузурида қилган лекциясида Ўзбекистон медицина фанининг эришган ютуқлари ҳақида гапирди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси кибернетика институтининг директори академик В. К. Қобулов давлат азот саноати институтида республикамиздаги математика фанининг ривожланиши тўғрисида лекция ўқиди.

Л. Я. Карпов номидаги физикахимия илмий-тадқиқот институтининг коллективи билан учрашган Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Ғ. Е. Умаров халқ хўжалигида қўёш энергиясидан фойдаланиш методларининг ишлаб чиқилиши тўғрисида гапирди.

Ўзбекистон ССР фанлар академиясининг мухбир аъзоси, республика қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосари А. Д. Дадабоев Бутуниттифоқ гўшт саноати илмий-тадқиқот институти коллективининг меҳмони бўлиб, бу ерда сўзлаган нутқини ўлкамиз қишлоқ хўжалигининг ривожланишига бағишлади.

Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги технологияси илмий-тадқиқот институтининг коллективи билан учрашган Қорақалпоғистон педагогика институтининг ректори, философия фанлари кандидати Т. Изимбетов Қорақалпоғистон АССРда фаннинг ривожланиши тўғрисида гапириб берди.

Ўзбекистон олимлари, шунингдек Электротермик ускуналари Бутуниттифоқ илмий-тадқиқот институти ходимлари билан, Касаба союзлари ҳаракати олий мактабининг тингловчилари билан, Подшипник саноати Бутуниттифоқ илмий-тадқиқот ва конструкторлик технология институти коллективи билан учрашдилар.

Ўзбекистон ССР делегацияси аъзоларининг москвликлар билан учрашувлари Ватанимиз халқлари дўстлигининг ёрқин намойишига айланиб кетди.

А. ЕРШОВ,
ЎзТАГ махсус мухбири.
МОСКВА.

КИЧКИНТОЙЛАРГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР

СССР Олий Совети Миллатлар Советининг халқ маорифи, фан ва маданият комиссияси 23 апрель куни болалар муассасаларининг иши тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. 1969 йилги СССР халқ хўжалигини ривожлантириш плани билан давлат бюджетини кўриб чиқиш чоғида Миллатлар Советининг доимий комиссиялари киритган таклиф ва мулоҳазалар бўйича иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, СССР Министрликлари ва идоралари кўраётган чоралар тўғрисида ахборот тингланди.

Комиссия мажлисида қатнашган депутатлар ҳал қилинмаган проблемаларга асосий эътибор бердилар. Жумладан, қишлоқларда мактабгача болалар муассасалари билан таъминланиш шаҳарлардагига қараганда анча паст эканлиги таъкидлаб ўтилди. Озарбайжон, Тожикистон, Литва ва бошқа республикаларда аҳвол шундай.

Айниқса Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Озарбайжон ва Эстония республикаларида мактабгача болалар муассасалари қуриш планлари бажарилмаяпти. Комиссия халқ маорифи органлари кичкинтойлар билан тарбиявий ишни янада такомиллаштириш, болаларнинг жисмоний, ақлқий ва эстетик тарбиясини яхшилаш зарурлигига алоҳида эътиборни жалб қилди.

Комиссия болалар муассасалари қурилишини кенгайтириш ва фаолиятини яхшилашга қаратилган тавсиялар қабул қилди. СССР Маориф министрлигига, унинг жойлардаги органларига болалар тарбиясини янада такомиллаштириш, уларни мактабда ўқишга тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор беришлари кераклиги таклиф қилинди. (ТАСС).

КОЛХОЗНИНГ НАМУНАЛИ УСТАВИ ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАДА

ДИЛИМИЗДАГИ ГАПЛАР

Андижонлик барча деҳқонлар каби колхозимиз аъзолари ҳам қишлоқ хўжалик артелининг янги намунали Устави лойиҳасини зўр хурсандчилик билан кутиб олдилар. Лойиҳада деҳқоннинг дилидаги гаплар айтилибди. Унда колхоз тузуми, ишлаб чиқаришдаги улкан ўзгаришлар ўз ифодасини топган. Колхоз аъзоларининг ҳуқуқлари ва бурчлари, ердан фойдаланиш, меҳнатни ташкил этиш, меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби жуда тўғри белгиланган.

Устав лойиҳасининг 25-моддасида бундай дейилади: «Колхозда иш кунининг қанча вақт давом этиши ва тартиби, дам олиш кунлари, ҳар йили ҳақи тўланадиган отпускалар бериш тартиби, шунингдек меҳнатга лаёқатли колхозчиларнинг жамоат хўжалигида қиладиган меҳнат минимуми колхознинг ички тартиб қондалари билан белгилаб берилади».

Устав лойиҳасида шунга ўхшаш жуда фойдали фикрлар кўп. Колхозимиз деҳқонлари лойиҳанинг ҳар бир моддасини синчиклаб ўрганишга киришдилар. Улар янги Устав колхоз тузумини янада мустаҳкамлаш, колхозчиларнинг турмуш фаровонлигини тағин ҳам оширишга хизмат қилади, дейишяпти.

Лойиҳанинг 41-моддасида колхоз колхозчиларнинг ишлаб чиқариш матакасини ва маданий-техникавий савиясини ошириш ҳақида ғамхўрлик қилиши, колхозчиларнинг ўқиши учун қулай шароитлар яратиб бериши, зарур бўлган тақдирда колхозчилар учун умумий овқатланишни ташкил этиши уқтирилганми, бу ҳаммага жуда маъқул бўляпти, колхозчилар буни табриклашяпти.

Бу йил 1210 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 32 центнердан ҳосил олиш учун курашаётган колхозимиз аъзолари Устав лойиҳасини қизғин муҳокама қилишяпти. Ўзларининг фикр ва мулоҳазаларини баён этишяпти.

Ҳ. ҚАЮМОВ,
Балиқчи районидаги «Пахтакор» колхозининг раиси.

ЮКСАЛИШ РАМЗИ

Қишлоқ хўжалик артелининг янги намунали Устави лойиҳасини колхозчиларимиз зўр мамнуният билан ўқиб ўрганмоқдалар ва муҳокама қилмоқдалар. Унда колхозчиларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, ердан оқилона фойдаланиш, жамоат мулки, хўжаликнинг молиявий фаолиятига доир энг муҳим масалалар ўз ифодасини топган.

Хўжалигимиз меҳнат аҳли деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш, комплекс механизацияни кенг жорий этиш учун курашни бундан кейин ҳам зўр бериб давом эттираверадилар. Ҳозиргача ҳа 700 гектардан ортиқроқ ерга барака уруғи ташладик. Чигит эрта экилган майдонларда яшил квадратлар ҳосил бўлмоқда.

Хўжалигимизда сабзавотчилик ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Л. Насруллаев, С. Муродов, Х. Бадриддинов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда эртаги сабзавот етила бошлади.

Колхознинг янги намунали Устави колхозлар ишлаб чиқаришини янада юксалтиришда, қишлоқларда турмуш маданиятини юксалтиришда ва меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

А. РАҲИМОВ,
Бухоро районидаги Фрунзе номли колхозининг раиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони.

ЧИГИТ ЭКИШ КУНДАЛИГИ

1969 йил 25 апрелга бўлган маълумот

(Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — чигит экиш плани (минг гектар ҳисобида); учинчи устун — жами чигит экилган майдон (гектар ҳисобида), тўртинчи устун — плянинг бажарилиш процанти, бешинчи устун — шу жумладан бир кунда чигит экилган майдон; олтинчи устун — бир кунда чигит экиш планининг бажарилиш процанти).

Сурхондарё	116,5	82866	71,1	7049	6
Наманган	134,9	84242	62,4	8909	6,6
Андижон	184,3	89310	48,4	12536	6,8
Фарғона	193,7	78033	40,3	10583	5,5
Тошкент	142,1	47176	33,2	10478	7,4
Қашқадарё	94,7	29096	30,7	7007	7,4
Бухоро	163,4	27812	17	7549	4,6
Сирдарё	253	40921	16,1	7507	2,9
Самарқанд	172,7	5559	3,2	2179	1,3
Хоразм	103,7	28	0,02	17	0,01
ҚҚАССР	126,5	29	0,02	—	—
Республика бўйича:	1685,5	485072	28,8	73813	4,4

Расмий ахборот

ҚЎШИМЧА ЁРДАМ

СССР МИНИСТРЛАР Советининг шу йил февраль ойидаги қарорига биноан колхозлар, совхоз ва бошқа қишлоқ хўжалик давлат корхоналарига қўшимча ажратилган зарур ускуна ва материалларнинг республикамиз учун тегишли қисмини тақсимлаш ҳақида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қарор қабул қилди. Қарорда кўрсатилишича, 1969 йил кўпламги дала ишларини ўтказиш учун қишлоқ хўжалигига қўшимча ажратилган турли хилдаги материалларни қабул қилиш ва жойларга тарқатиш ишлари «Ўзсельхозтехника» бирлашмаси, республика Қишлоқ хўжалиги министрлиги, республика Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, «Узглавводстрой» ва «Узколхозстрой» томонидан амалга оширилади.

СТУДЕНТ ЁШЛАР—ҚУРИЛИШГА

ЁЗГИ КАНИКУЛ даврида республиканинг турли қурилиш объектларига бориб ишлаш студент ёшлар ўртасида тобора анъанага айланмоқда. Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қарор қабул қилиб, студент ёшлар қурилиш отрядларининг каникул вақтида ишлашлари лозим бўлган қурилиш объектлари 1 Майга қадар белгиланишини республика министрликлари, қурилиш ташкилотлари зиммасига юклади. Шунингдек, студент ёшлар ишлайдиган қурилиш отрядларида рахбарликни тағин ҳам яхшилаш, нерали қурилиш материаллари билан ўз вақтида таъминлаш ва маданий дам олишга шароит яратиш каби чора-тадбирлар белгиланди.

ЯНГИ НАШРИЁТ

ДАРСЛИКЛАР, ўқув қўлланмалари ўқув-методик адабиётлари, монография, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари республика ва иттифоқ миқёсидаги илмий-тадқиқот институтларида ёзилган илмий иш тўпламлар нашрининг сифатини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети янги «Олий мактаб» нашриёти ташкил қилишга қарор қилди.

СЎНГГИ ПОЧТАДАН

ҚАҲРАМОННИНГ ДАЪВАТИ

— Ҳаммамизнинг ниятимиз битта— тинчлик бўлсин, кўчатлар мевага кирсин, ўқлар ойрон бўлмасин. Фарзандларимиз натта бўлсин, бахтли бўлсин дейман. Шу холис ниятларимизда янада яхшироқ, халолроқ, баракалироқ меҳнат қилайлик. Ҳалол меҳнат — одам улуғлигининг мезони, дўстлар!

Мана шу сўзлар Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети ва «Главташкентстрой» органи «Тошкент бинокори» газетасининг нечаги сонида баралла янгради. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор умрининг олтин йилларини республикамиз бинокорлигини ривожлантиришга бахшида этган Ҳожи Ёсимов Тошкентнинг тез суръатлар билан қайта тикланаётганлигидан беҳад ғурурланади. Кекса бинокор қурувчиларни, айниқса ёш бунёдкорларни ишлаб чиқаришда ҳалол, илғор бўлиш, биноларнинг сифатли қурилишини таъминлашга даъват этади.

Газета ўз саҳифасида қаҳрамоннинг даъватини босиб чиқариб қутлуғ иш қилди. Унинг даъвати кўпларга ибрат бўлса арзигулик.

Т.ЎЙХАТ ЎРНИДА

ТОЛМАС ҚАЛАМКАШ

ҲАМИД ҒУЛОМ

Адҳам Раҳматнинг «Шинелли қизлар қиссаси» номли китобида «Ўт ичида рақс» сарлавҳали очерк бор. Унда Ўзбек қизи Матлабой Мухторованинг Москва яқинидаги жангларда кўрсатган қаҳрамонлиги ҳикоя қилинади. Чорминорлик ўқувчи Матлабой фронтга кўнгилли бўлиб кетаётганда шундай таҳсинлар эшитади:

— Яша, ҳамшаҳар!

— Умрингдан барака топ!

— Сени ўстирган она-Ватаннинг ҳар бир қаричи учун жонимизни фидо қиламиз!

Улуғ Ватан урушининг оғир йилларида халқ ва армиямиз қаҳрамонлигини ҳаққоний кўрсатишни ўз олдига улкан мақсад қилиб қўйган ёзувчимиз отаси совет ватанпарварлиги руҳи билан суғорилган қатор асарлар яратди.

Қўқонда туғилиб ўсган, интернатда тарбияланган, ўсмирлигидаёқ шеър машқ қилган, газеталарда хабар ва мақолалари билан кўринган Адҳам Раҳмат Улуғ Ватан уруши арафасида шоир ва журналист сифатида шакилланган, айниқса болалар шоири сифатида танилган эди. Тенгдошлари Зафар Диёр, Шукур Саъдулла, Қуддус Муҳаммадий билан бир қаторда Адҳам Раҳматнинг ўзбек совет болалар адабиётига қўшган ҳиссаси салмоқлидир.

Уруш майдонларида довюрак аскар ва ботир командир сифатида жавлон урган, фронт газетасида жонбозлик кўрсатиб ишлаган Адҳам Раҳмат ижодида ҳарбий-ватанпарварлик мавзуси узил-кесил кириб келди. У фронтдалик вақтидаёқ жуда кўп шеърлар, очерклар, мақолалар ёздики, булар ўша йиллари Ўзбекистон матбуотида муттасил босилиб турди. Жанговар дўстлари Султон Жўра, Назир Сафаров, Зиннат Фатҳуллин, Рустам Абдурахмонов, Мирзакалон Исмоилий, Иброҳим Раҳим, Наби Юсуфий, Адҳам Ҳамдам, Назармат ва бошқалар билан бир сафда, ҳамкорликда Адҳам Раҳмат Улуғ Ватан уруши зафарномасини ёзишга киришди ҳамда бу соҳада энг сергайрат, сермаҳсул қиссанавис сифатида кенг китобхонлар оммасига танилди.

Ёзувчи номини халқ юрагига мангу нақш этгувчи унинг асарлари, у яратган кўркам образлардир. Адҳам Раҳмат кўпгина таланти асарлар ёзган, замондошларимизнинг образларини ўзига хос услубда ярата олган ёзувчиларимиздан. Унинг яна бир таҳсинга лойиқ фазилати—изланувчанлигидир. Бу жиҳатдан мен уни жанговар рус адиби, «Брест қалъасининг қаҳрамонлари» номли қиссаси билан донг таратган Сергей Смирновга ўхшатгим келади. Худди Сергей Смирнов каби Адҳам Раҳмат ҳам ўз қаҳрамонларини қидиради, топади, ўрганади, узоқ изланишлар ва машаққатли меҳнатдан кейин, ниҳоят, китобхонга тандим қилиб кўнгли таскин топади.

Адҳам Раҳматнинг «Абдулла Набиев» номли асари машҳур бўлиб кетди. Дастлаб пьеса шаклида ёзилган бу асар кейинчалик «Фарғоналик беш йигит» номи билан кино экранига чиқди, яъни уни миллион-миллион томошабинлар кўрдилар ва ҳозир ҳам севиб кўрмоқдалар. Бу асарнинг ёзилиш тарихи эса, Адҳам Раҳматнинг иш услубини, машаққатли меҳнатининг сирларини санъаткорлар тили билан айтганда — «ижодий лабораторияси»ни очиб беради.

Адҳам Раҳмат биринчи ўзбек комсомол аъзоси Абдулла Набиевни шахсан биларди, у кўрсатган жасоратнинг гувоҳи бўлган. Шунга қарамай орадан йигирма йил ўтгандан кейин ёзувчи ўрнининг ёшлик йилларидаги дўстини хотирида жонлантиришгина қолмай, унинг отаси ҳаёти ва мардлик ишларига доир фактлар, материалларни тўплайди. Абдулла ишлаган, қурашган ва ҳалок бўлган жойларга боради. Абдуллани кўрган, билган кишилар билан суҳбатлашади, ҳуллас катта тайёргарлик ишидан кейингина асарни ёзишга киришади.

Адҳам Раҳматнинг Ватан уруши қаҳрамонлари ҳақидаги қиссаларга, очерклари ҳам шу зайлда яратилди. Тиним билмайдиган заҳматкаш адиб ҳозир ҳаёт бўлган қаҳрамонлари билан дўст, суҳбатдош, бироқ ҳалок бўлган ўлмас ботирларнинг номига тушади, улар ишлаган, ишлаган, жанг қилган ерларга боришдан зериқмайди, қидиради, топади, ёзади. Натижада Ўзбек халқининг мард ўғил-қизлари ҳақида қатор-қатор очерклар майдонга келди. Шонли генералларимиз Собир Раҳимов, Файзулла Норхўжаев, Карим Каримов, шоир Султон Жўра, ўғлоқ Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари — солдат ва офицерларимиз ҳақида ёзилган очерклар заҳматкаш адибимиз Адҳам Раҳматнинг чорак асрдан ортиқ вақт давомида қилган катта меҳнатининг баракали маҳсулидир.

Барча совет ёзувчилари каби Адҳам Раҳматнинг асарлари ҳам халқни, ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш ишида, ленинчи партиямиз олиб Программасини амалга оширишда ўтинр маънавий қурол вазифасини бажариб келмоқда. Қалами, сўзи, қалб қарорати билан Коммунистик партияга хизмат қила билиш, халқнинг кўмакчиси бўла билиш ёзувчи учун чинакам бахтдир. Адҳам Раҳмат ана шундай катта бахт эгаси бўлган коммунист адибларимизнинг пешқадамларидан биридир.

Адҳам Раҳмат халқлар интернационал қардошлигининг ажойиб куйчисидир. У бир қанча асарларида уруш йилларида ўзбек жангчиларининг рус, украин, белорус, қозоқ, тожик жангчилари ва бошқа халқларнинг ботир фарзандлари билан қон-қардошлигини фахрланиб тасвирлади. У Совет Армиясининг Европани фашизм вабосидан халос этишдаги тарихий хизматини ҳам ҳаққоний лавҳаларда кўрсатиб берди. Бу жиҳатдан «Гарибальдичи Аҳмаджон» сарлавҳали машҳур очерки («Шарқ юлдузи», 1968 йил, 2-сон) диққатни тортади. Адиб бу асарида иккинчи жаҳон уруши йилларида андижонлик Аҳмаджон Мамажонов, Турғун Қўчқоров ва бошқа совет жангчиларининг Италияда ҳаракат қилган интернационал партизан отрядида фашистларга қарши қаттол жангларда кўрсатган қаҳрамонлигини тасвирлайди. Аҳмаджон, Турғун ва дўстлари Италия меҳнаткаш халқининг муҳаббатини қозонди. Италия Коммунистик партиясининг Бош секретари Пальмиро Тольятти ўзбек халқининг мард ўғлонларига шахсан ўзи партия билети топширади!

Адҳам Раҳматнинг асарлари кенг китобхонлар оммасига маълум. Унинг энг яхши қисса, очерклари рус тилига ва бир қанча қардош халқлар тилларига таржима қилинган. Абдулла Набиев ҳақидаги кинофильм мамлакат экранларида ва чет элларда ҳам кўрсатилди.

Жанговар адибимиз 60 ёшга тўлди. Ленин уни кўрган, таниган кишилар бунга ишонмайдилар. Унинг юрагидаги ёшлик жўшқинлиги, сўнмас илҳом олови бетига тепиб турибди. Толмас қаламкашнинг ижодий режалари ҳам талайгина. Биз мухтарам дўстимизга Жамбул умрича баракали умр, баракали ижод, серзавқ янги парвозлар тилаймиз ва у ўзи ёзган тилакни жон-дилдан такрорлаймиз:

« — Яша, ҳамшаҳар!

— Умрингдан барака топ!».

Адҳам РАҲМАТ

МЕНИ КУТ

(К. СИМОНОВГА ТАҚЛИД).

Билгинки, жоним, баъзан окопда,
Ўқлар ёмғири ёғилган топда,
Менинг-ла қамроқ ушбу винтовка,
Меҳнат завқини сурганингда кут,
Эрта саҳарда турганингда кут.

Милтиғим тушмас асло қўлимдан,
Номардман агар қўрқсам ўлимдан,
Номимни унут қайтсам йўлимдан,
Бутун ёронлар қайтганида кут,
Шодлиқ қўшиғин айтганида кут.

Юлдуз чароғон ойдин кечада,
Навқирон ёшлик ўтган кўчада,
Билмайман жоним, соат нечада,
Гўзайлар сайраб учганида кут,
Ворлиқни шодлиқ қучганида кут.

Ерларда майса ўсганда бутқул,
Қачон сайраса боғларда булбул,
Гулдаста ясаб, бинафшалар юл,
Баҳорги ёмғир ёққанида кут.
Сувлар шарпираб оқиганида кут.

Ишда чечан бўл, орқада қолма,
Ёлғизлигингни кўнгилга солма,
Нафармон гулни тўкканда олма,
Қушлар чийиллаб сайраганда кут.
Баҳор барқ уриб яйраганда кут.

Эшикни чиқитинг қулоқ очганда,
Бўйингга бўйи бориб етганда,
Кулча ой чиқиб келаётганда,
Ғўзага чопиқ қилганингда кут,
Пахтазор аро елганингда кут.

Ишкомда узун шира олганда,
Чарос қизили лабда қолганда,
Булбуллар сайраб-сайраб толганда,
Тонг елларн-ла елиб мени кут,
Еру дўстлар-ла келиб мени кут.

Естиқда қўйиб азиз бошингни,
Оқизмагин қеч кўздан ёшингни,
Ичмай совутма иссиқ ошингни,
Интизорликка тўйган кунни кут.
Қулингга хина қўйган кунни кут.

Мен ҳам қайтаман, тездан қайтаман
Сен билан бирга қўшиқ айтаман,
Ғолиблар аро мен ҳам биттаман,
Йиртқич фашист — зот бўлади
калут.
Худди ўша кун ёрим мени кут!

Калуга,
1942 йил, 20 декабрь.

УЧРАШУВЛАР, ҚУТЛОВЛАР

Ёзувчи Адҳам Раҳмат 60 ёшга тўлди. Шу муносабат билан Адҳам Раҳмат қаламкаш дўстлари — Ўзбекистон халқ шоири Ўйғун, ҳарбий ёзувчи В. Карпов ва шоир Пўлат Мўминлар билан сўлим Фарғона водийси бўйлаб саёҳат қилди. Ёзувчи бир вақтлар ўзи тарбияланган Қўқондаги болалар уйида (ҳозир 2-сон мактаб-интернат), Қўқон педагогика институтида, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, адибнинг жанговар қуролдош дўсти Мамадали Топилдиев раис бўлган «Коммунизм» колхозида ва шу ердаги Ғагарин номли мактабда, Фарғона педагогика институтида, Маргилондаги партия маорифи уйида меҳмон бўлди. Китобхонлар билан учрашди.

Тошкентдаги Абдулла Набиев номли пионер ва ўқувчилар уйида ўтган учрашувда адиб номига яхши истаклар изҳор этилди.

А. ЮСУПОВ.

Тўртинчи мамлакатларда

Совет—Туркия ўртасида иқтисодий ҳамкорлик соҳасидаги алоқалар ривожланмоқда. Совет Иттифоқининг техникавий ва иқтисодий ёрдами билан Туркияда еттита турли корхоналар, жумладан, металлургия, нефтни қайта ишловчи ва шиша заводлари тикланади. 1967 йил 25 мартдаги битимга мувофиқ Измирда энг йирик нефть тозаловчи заводлардан бири қурилмоқда. Суратда: Измир портида СССРдан келтирилган асбоб-ускуналарни тушириб олиш пайти.

Хабер—ТАСС фотоси.



БУГУН — ТАНЗАНИЯ МИЛЛИЙ БАЙРАМИ

ГУЛЛАЁТГАН ЎЛКА

Танзания Африка қитъасидаги ёш, мустақил республикалардан бири. Миллий озодлик ҳаракати туфайли мустақилликка эришган икки мамлакат Танганьика билан Занзибар 1964 йилда қўшилиб, Бирлашган Танзания Республикасини ташкил этишди. Республиканинг пойтахти Дорусалом шаҳридир. Қуйидаги хабарлар республиканинг бугунги куни ҳақида ҳикоя қилади.

ВЬЕТНАМ БИЛАН БИРГАМИЗ

Дорусаломда Вьетнам халқининг Америка босқинчиларига қарши қаҳрамонона курашига бағишланган оммавий митинг бўлиб ўтди. Митингда сўзга чиққан соғлиқни сақлаш министри Сижаола: «Вьетнам халқининг кураши — бизнинг ҳам курашимиздир» деб эълон қилди. Биз,—деб таъкидлади у, Қўшма Штатларининг империалистларига: «Вьетнамдан чиқиб кетинглар, унинг халқига ўз тақдирларини ўзлари ҳал қилишларини қўйиб беринглар!» деймиз. Митингда Жанубий Вьетнамни озод қилиш Миллий фронтининг Танзаниядаги доимий вакили До—Ханг нутқ сўзлади.

ЯНА БИР ФАБРИКА

Яқин кунларда Виктория кўлининг шарқий соҳилида жойлашган Мванг шаҳрида яна бир тўқимачилик фабрикаси ишга тушади. У мамлакатдаги йирик тўқимачилик корхоналарининг бешинчисидир. Эндиликда Танзания чет мамлакатларга арзон баҳода чиқараётган ўз пахтасининг бир қисмини мамлакатнинг ўзида газмолга айлантира олади.

ТАНУ САФЛАРИ ЎСМОҚДА

Кейинги пайтларда ҳукмрон партия ТАНУ аъзоларининг сафлари жадал ўсиб бораётгани сезилмоқда. Корхона, муассаса ва ўқув юртларида унинг бўлимлари ташкил этилмоқда. Жумладан, Дорусаломдаги университет колледжида партия сафига 270 студент ва ўқитувчилар ўтди. Яқин орада Ўжамаа қишлоқ жойларида ҳам ТАНУ бўлимлари тузиш белгиланмоқда. Мамлакат раҳбарларининг фикрига кўра партия сафларининг ошиши оммаанинг сиёсий ўсишига ва халқ билан алоқанинг мустаҳкамланишига имкон беради. Бу эса янги Танзаниянинг қурилишига катта таъсир кўрсатади.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ — МУҲИМ МАСАЛА

Танзания пойтахтида қишлоқ хўжалиги министрлиги ходимларининг семинари бўлиб ўтди. Республика президенти Ж. Ньерере семинарни очиб, мамлакат олдидаги энг муҳим масалалардан бири қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни жадаллаштиришдир деди. Деҳқонларга амалий ёрдам кўрсатиш министрлик, ҳукумат вакиллари ва ТАНУ раҳбарларининг ҳамиша диққат марказида бўлиши керак. ТАНУ партияси ва республика ҳукуматининг фикрича, қишлоқларнинг коллектив меҳнатга ўтиши ишлаб чиқаришнинг талистик йўлни танлаган мамлакат қишлоқ хўжалигининг жадал суръатлар билан ривожланишига имкон беради.

ЯНГИ ЕРЛАРГА

Танзания майдони анчагина катта бўлишига қарамай, баъзи районларда экин ерлари етишмаяпти. Бу, айниқса Килиманжаро областида яққолроқ сезилмоқда. Чунки бу ернинг қулай табиий шароити майдонларни тезроқ ўзлаштириш имконини берганди. Республика ҳукумати деҳқонларга бошқа районларга кўчиб ўтишларга деган чақириқ билан мурожаат қилди. Янги ерларга кўчувчиларга зарур бўлган воситаларни ажратилди. Килиманжародан бораётган икки минг оила Табор областидаги Танзания чўлини ўзлаштирадилар. Ер масалалари ва сув ресурслари министрлиги ходимлари янги ерга кўчиб келувчилар учун тайёргарлик ишларини тугаллашмоқда.

ЕРУҒ УЙЛАРДА

Ҳукуматнинг маориф соҳасида ўтказган ишлари туфайли маҳаллий аҳолининг оммавий ташаббусларини авж олди. Яқинда Аруш областининг Нюранга қишлоғидан бир группа аёллар янги, ёруғ уйлар қуришга қарор қилишди. Болаларимиз ёруғ ва кенг уйларда ўқисин, беморларимиз шинам хоналарда даволансин, дейишмоқда ватанпарвар аёллар.

Э. РЯБЦОВ,
АПН мухбири.
Дорусалом.

МОСКВАЛИК ДОКТОР

Хирургия бўлимининг коридорида сочларига оқ тушган аёл билан қўлтиқ таёғига суяниб турган кексагина бир киши оҳиста сўзлашарди.

—Москвалик докторга юборишларини илтимос қилиб кўринг, омадингизни бериб қолса борми, ҳаммаси жойида бўларди, тузалиб кетасиз, — дерди эркак суҳбатдошига далда бериб. Унинг қўли гул, ўшанда кўрасиз. Мана масалан ўзим баҳоргача етмасман деб ўйловдим, кўриб турибсизку, соғайиб кетдим, ишлаяпман. Менга ўша москвалик ажойиб доктор ёрдам берди...

Будапешт 2-хирургия клиникасининг врачи Лайош Молнер ҳақида ана шундай самимий гапларни эшитиш мумкин. У Москвада ўқиб, кандидатлик диссертациясини ўша ерда ёқлаган. Шунинг учун бўлса керак, бу ёш хирургнинг лақаби «Москвалик доктор» бўлиб қолди.

Клиникада энг катта билим ва тажриба талаб қилинадиган жуда мураккаб операциялар қилишни унга топширишади. Лайош—Венгрияда қон томирлари соҳасидаги нўзга кўринган мутахассисдир. Кўпгина касалхоналар ундан консультация олиб туришади. У ҳамкасабалари билан беморларнинг севимиси. Уни шунинг учун ҳам севишадики, Лайош билимини ғоятда яхши билишидан ташқари унинг яна бир ажойиб фазилати бор — ҳаддан ташқари камтар киши. Лайош одамларнинг чин юрагидан ёзган дил сатрларини «мен уларда ўқиганман» деб совет ҳамкасабаларига йўллайди.

Молнер қон томирларининг энг муҳим соҳаси юзасидан кандидатлик диссертациясини нўзга кўринган совет олими академик Б. В. Петровский раҳбарлигида ишлади. Диссертацияснни СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги тажриба хирургияси илмий-текшириш институтида ёқлади.

Венгрия фанлар академияси Лайошни уч йиллик муддат билан Москвага юборган эди, лекин у илмий ишларини икки йил ичида тамомлади. Ёш хирург Москва ҳақида, у ердаги дўстлари тўғрисида жуда кўп гапиради.

—Мен шуғулланган институт ғоятда яхши жиҳозланган илҳий марказ эди, — дейди Лайош. У ерда ўқиш жараёни ва илмий ишларнинг ташкил этилиши юқори даражали эди. Ана шулар диссертацияни тезда ёзиб тамомлашимга ёрдам берди. Мен ҳамиша хайрихоҳ, меҳрибон, ёрдам керак бўлиб қолган ҳар қандай вазиятда ҳам жонини аямайдиган ва дўстининг муваффақиятини ўзининг муваффақияти деб билувчи нишилар — совет ҳамкасабаларимни ҳеч қачон унутмайман. Академик Петровский ишимнинг раҳбари бўлганлиги мен учун катта бахт деб биламан.

Москвада Лайош ўзининг асосий мавзуи билан бирга буйранки кўчириб ўрнатиш проблемаларини ўрганиш имкониятига ҳам эга бўлди. Унинг таъбири билан айтганда Москвада мавзудан ташқари шуғулланишлар унга катта ёрдам берган: яқин келажакда Венгрияда буйрак ўрнатиш юзасидан операциялар ўтказилади, Молнер эса Москвада орттирган тажрибаларини ишга солиб ана шу дастлабки тажрибаларда қатнашади.

Лайош москвалик дўстлари, институти билан ҳайрлашганига икки йил бўлди. Бироқ, у институтда олиб борилаётган ишларни диққат билан кузатиб боради. Совет ҳамкасабалари билан хат орқали маслаҳатлашиб туради. Москвадан хат ёки совет дўстларидан биортаси келиб қолган кун унинг учун шодлик кунлардан деса бўлади. Бундай пайтларда венгер мусалласидан бир шиша ичиб ярим тунгача суҳбатлашиб ўтирганга не етсин! Буйрагини кўчириб ўрнатиш тажрибалари тўғрисида «москвалик доктор»нинг ҳам дўстларига мақтана оладиган ишлари бор. У яқин кунлар ичида олиб борилган дастлабки тажриба ва кузатишларнинг натижаларини москвалик ҳамкасабалари билан ўртоқлаша олмаса деб умид қилмоқда.

Габор САТМАРИ,
венгер журналисти.
АПН.

ХИТОЙДАГИ ВОҚЕАЛАР

«ХКПнинг Бутун Хитой IX съезди» Пекинда тўрт ҳафтадан бери давом этмоқда. Лекин иккита қисқа юзаки хабардан ташқари «съезд» тўғрисида шу вақтга қадар бошқа ҳеч қандай маълумот эълон қилингани йўқ. Шамолдан ранги ағиб кетган шиорлар ва қуёш нуридан оқариб кетган «ХКП IX съезди очилиши шарафига қурилган арклар»гина съезд ҳали тамом бўлмаганлигини эслатиб турибди.

Пекин телевидениеси съезднинг очилишини ва 14 апрелда бўлиб ўтган иккинчи ялпи мажлисни тасвирловчи кадрларни (овозсиз) ҳали ҳам кўрсатиб турибди, радио эса, бундан ўн кун аввал эълон қилинган «съезд президиуми секретариатининг информацион ахборот»ни ҳар куни қайта-қайта такрорламоқда.

Ана шу «расмий ахборот» эълон қилингандиги муносабати билан «хурсандчилик ва хушнудлик»ни кўрсатмоқ учун шаҳарда намойишлар уюштирилди. Намойишчиларга ҳарбий кишилар командирлик қилдилар. Йўлкаларда саф тортиб турган солдатлар найзали карабинларни елкаларига осиб олган эди.

Аслини олганда Пекин эълон қилинмаган ҳарбий ҳолатда турибди. Шаҳарда қуролли солдатлар ва полиция наряддари соқчилик қилиб юрибди. Ҳукуматнинг қароргоҳи бўлган Чжунанҳэ ҳам синчиклаб қаттиқ кўриклаб турилибди. Афтидан съезд шу ерда ўтаётган бўлса керак.

(ТАСС, 23 апрель).

ПЕКИН РАДИОСИНИНГ ХАБАРИ

Пекин радиосининг хабар беришича, 24 апрелда Пекинда «ХКПнинг Умумхитой IX съезди» ёпилган. Марказий Комитет сайланганлиги эълон қилинди. Съезд ахборотида Советларга қарши туҳмат гаплар бор. (ТАСС).

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

ГРЕК СИЁСИЙ МАҲБУСЛАРИ ОЗОД ҚИЛИНСИН!

24 апрель куни Ўзбекистон пойтахтида Грециядаги ҳарбий хунта ўрнатган террорчилик ва зўравонлик режимига қарши оммавий норозилик митинглари бўлиб ўтди.

... «Ташсельмаш» заводининг бош конвейери. Бу ердан ҳар 40-50 минутда янги пахта териш машинаси тушиб турибди. Бутун завод вакиллари шу йиғув цехида чақирилган митингга келишди.

— Қадимги маданият мамлакати, демократия ватани — Греция қора кунларни бошидан кечирмоқда, — деди инженер Ҳамид Халилов. — НАТО агрессив блоки рағбатлантираётган Афина маъмурлари мингминглаб ватанпарварларни зиндонларга ташладилар. Қора полковниклар Греция Компартияси Марказий Комитети сиёсий бюросининг аъзоси Григориос Фаракос билан бошқа ватанпарварлардан ўч олишга тайёргарлик кўрмоқдалар. Ҳаддидан ошган фашист диктатураси икки йилдан бери жиноят устига жиноят қилмоқда. Лекин биз грек халқи ғалаба қозонажагига ишонамиз.

Слесарь Н. Соколов, техник Н. Батраханова, заводнинг қуюв цехида кўп йиллардан бери ишлаётган грек сиёсий муҳожири Х. Христидис ўз мамлакатининг озодлиги учун курашаётган Грек демократларини қизғин қўллаб-қувватловчи сўзлар айтдилар.

Тошкент ёзувчилари ҳам ўз митингида қора реакциянинг бебошликларига қарши қатъий норозилик билдирдилар.

— Инсоният жуда катта куч-қувватлар сарф қилиб, миллион-миллион кишиларни қурбон қилиб, фашизмни янчиб ташлаганига 24 йил бўлди. Лекин фашизм қадимги маданият бешиги — Грецияда яна бош кўтарди, — деди ёзувчи Аскад Мухтор. — Фашистлар матбуот, фикр эркинлигига қарши алоҳида қаттиқ қуроғ олиб бормоқдалар. Биз Ўзбекистон адабиётининг вакиллари, Грек ватанпарварларининг демократия учун адилона кураши билан бирдамлигимизни изҳор қиламиз.

Митинг қатнашчилари ўз резолюцияларида Грециядаги ҳарбий фашист хунтасининг ўзбошимчаликларини якдиллик билан қоралаб, сиёсий маҳбуслар дарҳол озод этилишини талаб қилдилар.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАР СОЮЗИДА

Ўзбекистон Журналистлар Союзи правленеси президиумининг навбатдаги мажлисида «Республика журналистик ташкилотларининг кўп тиражли, район ва шаҳар газеталари коллективларига оталиқ тўғрисида» ўтган йил 23 майда қабул қилинган қарорининг бажарилиши якуллари муҳокама қилинди. «Совет Ўзбекистони», «Правда Востока», «Ҳақиқати Ўзбекистон» газета редакцияларининг, Самарқанд, Андижон, Тошкент, Бухоро ва бошқа область газеталарининг, шунингдек, «Ўзбекистон», «Мухбир», «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журнал редакцияларининг район журналистларига ёрдам кўрсатиш борасидаги фаолиятлари маъқулланди.

Президиум қуйи матбуот билан алоқани янада мустаҳкамлаш учун правленениенинг ҳар бир аъзосига республикадаги барча район ва шаҳар газеталарини бириктириб қўйди.

В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган республика фото кўргазмасининг шартлари ва «Ленин публицистикасининг традициялари» темасида Тошкент журналистлари ва шу йил май ойида ўтказиладиган летучкининг программаси тасдиқланди.

Ўзбекистон телестудиясининг ҳафталик программаси

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

28 АПРЕЛЬ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 — **Кўрсатишлар программаси.** 18.35 — Ўқувчилар учун ўзбек тилида эшиттириш.

Рус тилида: 19.05 — Болалар учун кинофильм. 19.15—**Телеэнгилликлар.** 19.30—Реклама. 19.35—Тележурнал. 20.35 — **Кўрсатишлар программаси.**

Ўзбек тилида: 20.40 — **Телеэнгилликлар.** 20.55 — Етти хазинанинг биқи. 21.15 — Ленинча меҳнат эстафетаси. 21.40 — Телетеатр «**Володя Ульянов**» (иккинчи қисми).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.55 дан — **Москва кўрсатади.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан—**Душанба кўрсатади.**

29 АПРЕЛЬ, СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

12.55 дан—**Москва кўрсатишлари.** 18.30 — **Тошкент кўрсатишлари программаси.**

Рус тилида: 18.35 — **Телеэнгилликлар.** 18.50 — Мультфильм. 19.10 — Тошкент байрам арафасида. 19.30—Адабий театр. 20.30—**Кўрсатишлар программаси.**

Ўзбек тилида: 20.35 — Ўн минут музика. 20.45 — **Телеэнгилликлар.** 21.00 — «**Пропагандист**» тележурнали. 21.35 — Шу пуннинг қозиқдалари — Абдусалом Маликов. 22.45 — Санъат усталари — Игорь Ильинский.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 дан—**Москва кўрсатади.**

30 АПРЕЛЬ, ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 — **Тошкент кўрсатишлари программаси.** 18.35—Рус тилида **телеэнгилликлар.**

Ўзбек тилида: 18.45 — Болалар учун эшиттириш. 19.10 — **Телеэнгилликлар.** 19.20 — **Концерт.** 20.00 — **Москва кўрсатишлари.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 — **Тошкент кўрсатишлари программаси.**

Рус тилида: 18.35 — «**Ёшлик**» **студияси кўрсатади.** 19.20 — Мультфильм.

Ўзбек тилида: 20.00 — Бадиий телефильм. 20.25—«**Ёшлик**» **студияси кўрсатади.** 20.55 — «**Лўли**» (бадиий фильм). 22.15 — Рақс тушамиз.

1 МАЙ, ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.45 — **Тошкент, В. И. Ленин майдонидан 1—Май тантаналари олиб кўрсатилади.** 12.45—**Москва, Қизил майдондан 1—Май тантаналари олиб кўрсатилади.** 16.55—**Тошкент кўрсатишлари программаси.** 17.00—Болалар учун эшиттириш. 17.40—Телефильм. 18.10—«**Муҳаббат куйлайди**» (фильм-концерт). 18.35—«**Ёшлик**» **студияси кўрсатади.** 20.05—«**Трясогузка**» **армияси яна жангда**» (бадиий фильм). 21.30 — **Байрам базми.** 23.00 — **Катта байрам концерти** (рус тилида).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.00 дан **Москва кўрсатади.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

17.00—**Олмаота ва Фрунзе телестудияларининг кўрсатишлари.**

2 МАЙ, ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.55 — **Тошкент кўрсатишлари программаси.**

Рус тилида: 10.00 Болалар учун концерт. 10.30—Телефильм. 10.55 —«**Катя ва тимсоҳ**» (бадиий фильм).

Ўзбек тилида: 12.00 — Кичкинтойлар учун эшиттириш. 12.30—«**Алаэддиннинг сеҳрли лампаси**» (бадиий фильм). 13.55 — **Телеминиатюралар.** 14.35 — Эстрада концерти. 16.55 — Кўрсатишлар программаси. 17.00—«**Оламга саёҳат**» ҳилосаёҳатчилар клуби. 18.00 дан—Москва кўрсатади. 21.30—«**Лазги**» ашула ва рақс ансамблининг концерти. 22.40 — «**Давр, олга бос!**» (бадиий фильмнинг биринчи серияси).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

12.50 — **Москва кўрсатишлари.** 18.00 — **Тошкент.** Ўзбек куйларидан концерт.

Рус тилида: 19.00 — Мультфильм. 19.30 — **Байрам концерти.** 20.15—Бадиий фильм. 21.30 дан—**Москва кўрсатади.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

17.00 дан **Олмаота ва Фрунзе телестудияларининг кўрсатишлари.**

3 МАЙ, ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.55 — **Тошкент кўрсатишлари программаси.**

Ўзбек тилида: 10.00—Музикали эшиттириш. 10.35—«**Бир умрга тенг йил**» (бадиий фильмнинг биринчи серияси). 12.00 — **Москва кўрсатишлари.** 16.55 — **Тошкент кўрсатишлари программаси.** 17.00 —**Телеэнгилликлар.**

Ўзбек тилида: 17.20 — Болалар учун кинофильмлар. 17.30 — «**Давр, олга бос!**» (бадиий фильмнинг иккинчи серияси). 18.50 — **Концерт.** 20.00 — **Москва кўрсатишлари.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

15.00 — **Москва кўрсатишлари.** 20.00 — **Тошкент.** «**Журналист**» (бадиий фильмнинг биринчи ва иккинчи сериялари).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 дан **Душанба кўрсатади.**

4 МАЙ, ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.55 — **Тошкент кўрсатишлари программаси.**

Рус тилида: 10.00 — **Қўғирчоқ фильм.** 10.10 — Болалар операси. 10.40 — Бадиий телефильм.

Ўзбек тилида: 12.00 — Қўғирчоқ телетеатри. 12.30 — Қозоқ тилида эшиттириш. 13.30—«**Бир умрга тенг йил**» (бадиий фильмнинг иккинчи серияси). 17.00 — «**Ахборот**» информацион программаси. 17.30 — **Москва.** «**Майсаранинг иши**» телеспектаклинг премераси Тошкентдан олиб кўрсатилади. 18.45—«**Ахборот**» информацион программаси. 19.15—Карл Маркс туғилган кун олдидан. **Телефильм.** 20.10—«**Ёшлик**» **студияси кўрсатади.** 20.50 — «**Ўзбекистон чорвадори**» программаси. 21.30 — **Санъат усталари — Комилжон Отаниёзов.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

12.00 дан **Москва кўрсатади.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

20.00—**Пойтахтимиз меҳмонлари** (рус тилида конц-рт).

ИЗОҲ: Ўқув кўрсатишларини иккинчи программа орқали 23-апрель соат 18.00, 29-апрель соат 18.00, 4-май соат 10.00 дан кўришингиз мумкин.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25—Концерт. 9.30—Танбур тароналари. 10.10—«Гулшан» радиожурнали. 11.15—А. Онеггер. Альт учун соната. 11.35—Ўзбек операларидан парчалар. 12.15 — Талабларга мувофиқ концерт. 13.30 —Куйлар. 15.10—«Правда» газетасининг обзори. 15.40 — Куйлар. 16.10—Эстрада концерти. 17.20—Уйғур куйлари. 18.00 — Қора-Қораевнинг «Етти гўзал» балети ҳақида концерт-очерк. 18.40 — Спорт. 19.20 — Концерт. 20.00 — «Ленинпома» программаси. 20.30 —Қўшиқлар. 21.00 «Социалистик мамлакатларда». 21.10 — Концерт. 22.20 — «Шанба оқшомида» (концерт). 23.10—Қўшиқлар.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.55 — **Кўрсатишлар программаси.**

Ўзбек тилида: 10.00 — **Қувноқ куй ва ҳангомалар.** 10.40—**Музикали эшиттириш.** 11.20 — **Киноленинпома.**

12.00 дан — **Москва кўрсатади.**

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

16.55 — **Кўрсатишлар программаси.** 17.00 — **Болалар учун мультфильм** (рус тилида).

Ўзбек тилида: 17.20 — «**Ёшлик**» студияси кўрсатади. 18.20 — **Телеэнгилликлар** (рус тилида). 18.30 —**Ҳаваскорлар концерти.** 19.10 — **Телефильм.** 19.25 — **Телеэнгилликлар.** 19.40 — **Кўрсатишлар программаси.** 19.45 дан — **Москва кўрсатади.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 19.45 — **Реклама.** 20.00 — **ФАРҒОНА ТОНГ ОТГУНЧА** (Муқимий номидаги музикали драма ва комедия театрининг спектакли олиб кўрсатилади).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 26/IV да **Гўзал ҳаёт ошиқлари,** 27/IV да **Улий малика ва етти баҳодир ҳақида эртак** (кундузи), **Севилия сартароши** (кечқурун).

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 26/IV да **Парвона,** 27/IV да **Шоҳ Эдип** (билетлар сотилган).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 26/IV да **Фарғона тонг отгунча** (билетлар сотилган), 27/IV да **Фарғона тонг отгунча.**

КИНО

Турнахон — «ЧАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Ака-ука Карамазовлар—«ДРУЖБА», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Бриллиант қўл — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Шанба оқшомидаги базм — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Қоҳира 30 йилларда — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

САНЪАТ САРОЙИДА
1 майдан бошлаб
«ВАТАН УҒЛОНЛАРИ»
номли янги кенг экранли бадиий фильм
НАМОЙИШ ҚИЛИНАДИ

«ЎЗБЕКФИЛЬМ» киностудияси маҳсулоти.

Сценарий авторлари — **Сарвар АЗИМОВ, Николай РОЖКОВ.**

Постановкачи — режиссёр— **Латиф ФАЙЗИЕВ.**

Бош оператор — **Александр ГРИГОРЬЕВ.**

Постановкачи рассом — **Наримон РАҲИМБОЕВ.**

Овоз оператори — **Наримон ШОДИЕВ.**

РОЛЛАРДА:

Елена САЛИМОВА — Людмила ХИТЯЕВА.

Искандар САЛИМОВ — Нодар ШОШИҚ-УҒЛИ.

Мулла БОТИРОВ — Зикир МУҲАММАДЖОНОВ.

Соқов—Владимир КОРЕНЕВ.

Хильда ХЕЙНИЦ — Ева МУРНИЕЦЕ.

Тальвич — Альберт ФИЛОЗОВ.

Лагерь коменданти — Альгис МАСЮЛИС.

Мўйсафид — М. ДАДАБОЕВ.

Культшер — Е. УРМАНАВИЧУС.

Уста — Ш. БУРХОНОВ.

СЕАНСЛАР: **1 майда — кеч соат 6.45, 8.30 ва 10.15 минутларда бошланади. Кеч соат 6 яримда фильм яратувчилар билан учрашув.**

2 майда—эрталаб соат 9.45, 11.30 кундуз — 1.45 минутларда ва 3, 5 кеч соат 6.45, 8.30, 10.45 минутларда бошланади.

Коллектив бўлиб кўриш учун заявкалар қабул қилинади.

Справка учун телефонлар: 4-21-74, 4-20-34

8 май кундуз соат 2 да В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети тарих факультетининг илмий даражалар бериш илмий совети кенгашида (К. Маркс кўчаси, 35-уй, 144-аудитория) **тарих фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун**

Н. Н. Клименко: «Тошкент Биринчи май темир йўл устахоналари партия ташкилотининг тарихи (1917—1925 йиллар)» деган темада

Ф. И. Вавилов: «Фарғона области Улуғ Ватан уруши даврида (1941—1945 йиллар)» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЕҚЛАЙДИ

Диссертациялар билан университет кутубхонаси (Куйбишев кўчаси, 10-уй)да танишиш мумкин.

«ТАШКЕНТГЕОЛОГИЯ» ТРЕСТИГА

дала геологоразведка партияларида ишлаш учун разведка техникаси бўйича инженер ва техникилар, тоғ инженерлари ва техниклари, колонналаб қазишнинг катта усталари ва смена усталари, ер ости тоғ қазилмалари ўтувчилари, портлатувчилар

КЕРАК

Меҳнат ҳақи ишчилар учун ишбай-мукофотли, инженер-техник ишчилар учун вақтбай-мукофотли.

Дала ва юқори тоғли шароитда ишлагаилар учун қўшимча ҳақ тўланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 11-«а» уй, кадрлар бўлими.

БАЛИҚЧИЛАР ДИҚҚАТИГА! 26 АПРЕЛДАН 10 ИЮНГАЧА

Ташкилот ва гражданлар томонидан сузувчи воситалар билан ва бошқа ҳар қандай йўл билан

БАЛИҚ ОВЛАШ ТАҚИҚЛАНАДИ

(Тақиқланган давр учун махсус ҳужжат олган нузатув ва қутқарув хизмати вакилларидан ташқари ҳамма учун)

«Ўзбекрыбвод».

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Адабиёт Музейи маъмурияти, партия ташкилоти ва маҳаллий комитети Фольклор бўлимининг илмий ходими, филология фанлари кандидати С. Аскарова отаси

Аскар НУРБОЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Янгийўл район, шаҳар партия комитети, район ва шаҳар ижроия комитети Давлат банкининг Янгийўл бўлими бошқарувчиси

Мириш Айдарович МИРАЗИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласига чуқур таъзия изҳор қиладилар.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси № 26. Редактор — 336545. Редактор ўринбосарлари — 337914, 339323. Масъул секретарь — 334455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283. Партия турмуши — 333469. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331216. Халқаро ҳаёт — 337304. Коммунистик тарбия — 331455. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780. Совет қурилиши — 333258. Қишлоқ хўжалиги — 337604. Адабиёт ва санъат — 332036, 337221. Фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 334451. Маҳаллий ахборот ва спорт — 332347. Оммавий ишлар ва хатлар — 338679, 333553. Иллюстрация—334524. Стенографистка — 337343. Корректура — 337162. Эълонлар — 338142. Коммутатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ. Андижон —48—83, Бухоро 43—141, Қарши 22—82, Наманган 21—88, Нукус 42—62, Самарқанд 31—972, Термез 23—27, Фарғона 41—88, Урганч 34—55.

№ Б. — 99. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64633. Р. 01329.